# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

13 сон

27 март — 2 апрел, 2008 йил




# ВАРГАНЗАДА ШУНДАЙ ОИЛА БОР

Варганза қишлоғи Китоб шаҳридан унча узоқ бўлмаган Хисор тоғ тизмалари билан туташиб кетган табиати мафтункор ажиб гўша.

Ана шу қишлоқнинг Башир маҳалласида яшовчи Саидовлар хонадонига ташриф буюрдик. Кўпни кўрган, суяги меҳнатда қотган чеҳрасидан нур ёғилиб турадиган отахон Маъдихон Саидов бизни илиқ қарши оларкан, салом-аликдан сўнг гап бошлади:

- Отам Сайдалихон Иноятов ўз вақтида ҳам руҳоний, ҳам катта ер эгаси бўлганлар. Қатағон йиллари НКВД ходимлари унинг изига тушишган. Бир фарзанди қазо қилган қайғули кунда ҳам ҳеч аяб ўтирмай қўлига кишан солиб қамоққа олиб кетишган. Бор бойлиги мусодара қилинган. Онам Қамбарой Ниёзова биз —тўрт нафар вояга етмаган фарзандларини бағрига босиб йиғлаб қолаверган. Мана ўшандан буён 79 йил ўтибди. Тақдирнинг иноятини қарангки, отамга тегишли бўлган ерлар айни мустақиллик шарофати билан яна ўз номимизга ўтди. Юртимиз Мустақиллиги халқимиз орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Эндиликда оила аъзоларимиз билан 66 гектар майдондаги боғни парваришлаб, яхшигина даромад олаяпмиз. Меҳнат қилган элда азиз, деб шунга айтсалар керак-да.

Отахоннинг фарзанди Анорхон Саидов раҳбарлик қилаётган боғдорчилик фермер хўжалиги аъзоларининг ўтган йилги меҳнати бесамар кетмади. 8 нафарли аҳил жамоадаги муваффақиятнинг омили аввало, оиладаги ўзаро иззат-ҳурматда. Хонадон бекаси Марҳабо Саидова 6 нафар фарзанд, неваралар тарбияси билан банд бўлиши билан бирга, фермер хўжалиги ишига яқиндан кўмак беради.

- Барча ютуқларимиз замирида оиладаги аҳиллик ётади, - дейди хонадон бекаси Марҳабо опа. - Муваффақиятга эришмоқ учун энг аввало оила тинч бўлиши керак. Тинчлик, тотувлик бор жойда ишда унум, хонадонда файз бўлади.

**НУРБЕК**

*Яхшилардан сўз очдик*

# ЎН КЕЛИНЛИ ҚАЙНОНА



Янгиҳаёт қишлоғида яшовчи 80 ёшли Бувсора ая вояга етказган 13 фарзанднинг 10 нафари ўғил. Демакки, ая 10 келиннинг қайнонасидир. Хонадон соҳиби Абдиҳолиқ ота 15 йил аввал вафот этган бўлиб, айтиш мумкинки, асосий оғирлик ая зиммасига тушган.

Бувсора ая Бегимқулова фақат фарзандлар тарбияси билан банд бўлиб қолмай, 35 йил ўрта мактабда математика фанидан сабоқ ҳам берган.

- Бола азиз, тарбияси ундан ҳам азиз, - дейди онахон. - Болани едириб-ичириб, кийинтириб, меҳр берибгина қолмай тарбия ҳам бериш керак.

Ая дадил, қатъият билан сўзлайди. Фикрлари математикларга хос аниқ, лўнда: "Эркак киши оилада ҳоким, аёл эса ўринбосар, иш юритувчидир. Рўзғорда эркак таъминотчи, аёл қулф-калит, сақловчи. Эркак киши тоғдек-тоғдек топиб келса-ю, аёл тўғри сарфламаса, рўзғор омборига қулф-калит бўлмаса, у уйда тариқча ҳам барака бўлмайди. Ўн келиннинг феъли-хўйи, рўзғор тутуми турлича. Мен эса бироз қаттиққўллик, тадбир билан тенг ёндашиб, аҳил-иноқ салтанат ярата олдим.

- Турфа феъл-атворли овсинларнинг барчаси аҳил. Бунинг сири нимада?- сўрайман аядан.

- Улар овсин эмас, опа-сингил. Дастлабки кунданоқ уқтирганман: "Энди ҳаммангиз менинг фарзандимсиз. Бирортангдан ёмон гап эшитмай. Бир-бирингни ҳурмат қилинглар. Ўғилларим-эрларингни сира хафа қилманглар". Гапнинг рости, мақтасам-мақтамасам меникидек келинлар ҳеч қаерда йўқ.

Рўзғорда муаммолар бўлади. Келинлар ҳам хато қилиши мумкин. Дастлаб янглишса шу ишни хато қилдинг, дея хатосини кўрсатаман. Кейинги сафар эса хатосини ўзи тўғрилаб, кечирим сўрайди.

...Ҳожарой, Мукаррам, Мамлакат, Маҳфуза, Фотима, Зулфия, Назира, Олима, Сафаргул, Гулжаҳон ая меҳридан тафт, бағридан жой олишган. Ўғилларининг барчаси турли соҳаларда меҳнат қилишади. Тўнғич қизи Гулчеҳра Пўлатова туман "Тадбиркор аёл" уюшмаси раҳбари. Гулнорахон Бегимқулова Республика Ички Ишлар Вазирлиги подполковниги. Раънохон эса ая каби муаллима.

Бу хонадондаги аҳилликдан қувондим. Тинч-тотувлик ва меҳру оқибат элимизни сира-сира тарк этмасин, дея ният қилдим.

**Райҳон САЛАЕВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Оҳангарон тумани.**

# СПОРТ — СОҒЛИК ГАРОВИ

**Фотима НУРМАТОВА — Жиззах вилояти Пахтакор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:**



- Туманимизда яқинда сув ҳавзасининг очилиши ҳаммамиз учун қувончли воқеа бўлди. Бу иншоот Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган168 миллион сўм маблағ ҳисобига бунёд этилди. Илгари бундай замонавий, барча имкониятларга эга сув ҳавзаларини чет элларда кўриб ҳавас қилардик. Бугун орзуларимиз амалга ошадиган замонларга етдик. Хотин-қизларимиз, болаларимиз хоҳлаган пайтларида келиб бу ерда сув спорти билан шуғулланишлари мумкин.

Хотин-қизларимиз ўртасида нафақат сув спорти, балки спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам тўгараклар мавжуд. Натижада улар дзю-до ва кураш мусобақаларида юқори кўрсаткичларга эришдилар. Йигирмадан ошиқ ёшларимиз эса бокс бўйича халқаро мусобақаларда қатнашиб, катта ютуқлар билан қайтдилар.

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

Шахмат бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган олий лига Ўзбекистон чемпионатида Юлдуз Ҳамрақулова олтин медални қўлга киритди. Кураш бўйича Қарши шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида Нафосат Гаппарова кумуш медалга сазовор бўлди. Шунингдек, спортнинг эркин кураш туридан Замира Жулбекова, самбодан Лейли Эргашева, Шаҳноза Бўронова, Марҳабо Пардабоева, Юлдуз Тожимуродова, таэквандо бўйича Севара Раҳимова, Озода Имомова, Гулсара Мўминовалар, дзю-до туридан Ирода Абдураҳмонова, Ирода Матмуродова, ушу бўйича Чарос Пардаева, Дилноза Анварова, Турон курашидан Нодира Сармисова, сувга сакраш бўйича Хуршида Содиқова ва Мария Шишниёвалар республика миқёсидаги мусобақаларда олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб қайтдилар.

Вилоятдаги корхона ва ташкилотларда, маҳаллаларда, турли муассасаларда фаолият юритаётган хотин-қизлар ўртасида "Соғ танда — соғлом ақл" шиори остида спартакиада ўтказилди. Унда спортнинг бадиий гимнастика, шахмат, шашка, арқон тортиш, стритбол, волейбол, стол тенниси ва енгил атлетика турлари бўйича даставвал туман босқичлари, сўнгра вилоят босқичлари бўлиб ўтди. Мазкур спартакиадада 500дан ортиқ хотин-қизлар иштирок этишди. Наврўз арафасида эса "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи" оилавий спорт мусобақалари ўтказаяпмиз.

Хуллас оммавий спортга жалб этилган оилалар сони 300дан ортиқ бўлса, янги очилган спорт секциялари сони 30тани ташкил қилади. Бугун мингга яқин спортчи хотин-қизларимиз борлигини фахр билан айтоламиз. Ахир спорт билан шуғулланган аёлнинг авлоди ҳам бақувват ва баркамол бўлади-да!

**Миробид МИРСОДИҚОВ**
**ёзиб олди.**

# МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА НАВРЎЗ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 24-сон Меҳрибонлик уйида Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб ҳайрия тадбири ўтказилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбир Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари қалбига баҳорий кайфият, кўтаринкилик, шод-хуррамлик бахш этди.

Меҳрибонлик уйининг "Ораста" рақс дастаси қанашчиларининг жозибали чиқишлари байрамга ўзгача шукуҳ бағишлади.

**Малоҳат МЎМИНОВА**

**Шавкат СУЛТОН олган сурат**



Оиламиз меҳмони

# КЎНГИЛ ҚУЛФИНИНГ КАЛИТИ

**_Суҳбатдошим Муқимий номли музикали комедия театрининг актёри, Ўзбекистон халқ артисти Файзулла АҲМЕДОВ._**

Ўзбекистон халқ артисти Файзулла Аҳмедовнинг яратган роллари бири-бирига ўхшамайдиган, такрорланмайдиган қаҳрамонлардир. Бири қаттиққўл, қошлари чимирилган, нигоҳи ниҳоятда ўткир шоҳ бўлса, яна бири уни кўришингиз билан юзингизга кулгу югургувчи, сизни қаҳқаҳ отиб кулишингизга сабабчи бўлгувчи қиёфалардир. Баъзида қаҳрамонимизни донишманд бобо ҳам деб аташар экан. Бу бежиз эмас, албатта. Севимли актёримиз Ўзбекистон телевидениесидаги донишманд бобо роли билан ҳар бир ўзбек хонадонига кириб борган, десак янглишмаган бўламиз.

- Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ менда санъатга меҳр кучли эди, - дейди қаҳрамонимиз. - Олий маълумот олиш учун Театр ва рассомчилик институтини мўлжаллаб турганимда, отам раҳматлик: "Бизнинг авлоддан артист чиқмаган, сен ҳам бу касбни эгалламайсан", деб қатъий туриб олдилар. Отамнинг раъйи мен учун қонун бўлгани сабаб, тўқимачилик институтига ўқишга кирдим. Лекин барибир санъатга бўлган қизиқишим устунлик қилиб, икки йилдан сўнг, Театр ва рассомчилик институтининг мусиқали драма факультетига ҳужжат топширдим. Айнан мен ўқишга кирган йили устоз санъаткор Раззоқ Ҳамраевнинг ташаббуси билан бу факультет очилган эди.

Институтда ўқиб юрган кезларим олийгоҳ талабалари учун Муқимий театрида танлов бўлаётганлигини газета орқали ўқиб, менда ҳам омадимни синаб кўриш иштиёқи туғилди. Танловда ғолиб чиқиб театр саҳнасида кичик-кичик ролларни ижро этиш бахтига муяссар бўлдим.

Мана, қарийиб эллик йилдан бери ушбу театрда фаолият юритиб келмоқдаман.

**- Бирор ролингизнинг дунёга келиш тарихини эслайсизми?**

- 1958 йил. Энди театрга ишга келган пайтларим. 23 ёшда эдим. Менга нафақага чиқиб кетган актёрнинг роли топширилди. Яъни "Муқимий" спектаклида 84 ёшли Исмоил кўса ролини ижро этдим. Ҳаммага маъқул бўлди. Бу мен учун жуда катта синов бўлган.

**- Бу йўлда сиз сабоқ олган устозлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

- Улар жуда саноқли. Ўзбекистон халқ артистлари: Раззоқ Ҳамроев, Соип Хўжаев, Рауп Болтаевлардан ўрганганларим бутун умрга татигулик бўлди, десам хато бўлмас.

**- Сафдошларингиздан кимларга ихлос қиласиз?**

- Раҳматлик Шукур Бурхонов, Ҳамза Умаровлар билан бирга театрга келганмиз. Бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, елкадош бўлиб ишладик. Улар ўзларига ҳайкал қўйиб кетишди. Бугун Наимахоним Пўлатова, Ҳаким Носиров, Марямхоним Ихтиёровалар билан ҳамқадаммиз.

**- Шогирдларингиз...**

- Мени ким "устоз" деб, тан олса, ўша менинг шогирдим. Уларнинг сафи эса кенг, худога шукр!

**- Сиз фақатгина театрдаги фаолиятингиз билан чекланиб қолмай радио, телевидениеда ҳам фаолият юритгансиз. Мингдан ортиқ фильмларнинг дубляж жараёнида иштирок этгансиз. Шундай эмасми?**

- Тўғри айтасиз. Ўзбекистон радиоси эшиттиришларида қатнашганман. Видеофильмларга, болажонлар учун мўлжалланган мултфильмларга ҳам овоз берганман.

**- Назаримда, ҳеч бир томошабин саҳна асари не машаққатлар эвазига яратилишини ҳис қила олмайди.**

- Спектакл кўраётган томошабин қаҳрамон йиғлаганда унга қўшилиб йиғласа, кулганида кулса билингки, бу актёрнинг муваффақияти. Бунинг замирида қанчадан қанча машаққат, заҳмат ётади.

**- Бугунги кун томошабини билан кечаги томошабиннинг фарқи нимада?**

- Ҳар бир авлоднинг дунёқараши, фикрлаши, қизиқишлари турлича бўлади. Гап шундаки, бугунги ўсиб келаётган авлоднинг бизга қараганда дунёқараши, қизиқиши, имконияти ҳам анча кенг. Шу жиҳатдан олиб қарасак ҳозирги ёшларга ҳавасим келади.

**- Ижод билан бўлиб, фарзандларингиз тарбиясига вақт ажрата олдингизми?**

- Фарзанд бамисоли дарахтнинг қошида униб чиққан ниҳолга ўхшайди. Бир кун келиб дарахт қуригач, унинг ўрнини ниҳол эгаллайди. Қариганда белимизга қувват, эгилган қаддимизга тиргак бўлади. Тангрим бизга фарзанд ато этганида у булоқ сув каби тиниқ, сут каби кўнгли тоза бўлиб туғилар экан. У ўз ризқи билан туғилади, биз эса унга тарбия берамиз холос. Фарзандни ростгўй, меҳнатсевар ва оқил қилиб тарбиялаган ота-она албатта бир кун унинг роҳатини кўради. Қайсидир вилоятда бўлган учрашувда шу гапни айтсам, бир аёл: "Фарзанд тарбияси фақат ота-онага боғлиқмикин?" деб сўради. Ўйлаб қолдим. Ҳақиқатдан ҳам фарзанд тарбияси фақат ота-онага боғлиқми? Шунда фарзандни ниҳолга бежиз ўхшатмасликларини тушуниб етдим. Шамол қайси тамондан эсса, ниҳол ҳам ўша томонга қараб эгила бошлайди. Унинг яхши ё ёмон томонга қараб эгилиши фақатгина ота-онага эмас, уни ўраб турган муҳитга, дўстларига ҳам боғлиқ экан. Шунда отам раҳматлининг бир гапларини эсладим: "Болани мактабга чиққунга бўлган даврида эркалаб ўстир, олти ёшдан ўн бешигача илм ўргат, қаттиққўл бўл, ундан ўртоқлари ким эканлигини, уйга келганда ва кетганда қаерларга бораётганлигини мунтазам сўраб тур, ўн бешдан кейин унинг мустақил фикрлашига йўл очиб болага эркинлик бер. Уни очиқдан-очиқ эмас зимдан кузат. Шунда бола бир қолипда ўсади", дер эдилар.

**- Меҳнатингиз эвазига нима топдингиз?**

- Инсон ёши бир жойга бориб қолганидан кейин ортга назар ташлаб умрининг ҳар сониясини таҳлил қилар экан. Нимага эришдим, нималарни қилишим керак, деган саволларга жавоб изларкан. Аввало халқ орасида қадр, камол топдим. Байрам олдидан ҳар доим мени юртимизнинг чекка-чекка вилоятларига, турли учрашувларга таклиф қилишади. Тўй, маъракаларга борсам, нуроний отахонлар тўрдан жой кўрсатишади. Қолаверса, меҳнатларим ортидан фарзандларимни улғайтирдим, уларни оёққа қўйдим. Умрим давомида қилган меҳнатларимнинг самараси деб биламан буларни.

**- Мароқли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Наргиза МУРОДОВА**



Шогирдлар билан...



# ЛОБАР, ЗУККО, ДОНО




Малика Раҳмонбекова Зулфияхоним қизлари сафидан муносиб ўрин олган иқтидорли ёшларимиздан. Уни болалигидан биламан. Ўша пайтларда ҳам жуда тиришқоқ, интилувчан қизалоқ эди. Митти мақолалар, шеърлар ёзар, уларнинг мавзусига қараб расмлар чизарди. Президентимизни истиқлол байрами билан қутлаб, чизган расмларидан юборганида, юртбошимиз беҳад миннатдор бўлганлар.

У ёшлигиданоқ кўплаб кўрик-танловларда қатнашиб, ғолибликни қўлга киритиб келади. Чизган расмлари учун "Улуғбек" жамғармаси томонидан 1 ҳамда 2-даражали дипломлар билан тақдирланди.

2001-2002 йиллар Малика учун жуда омадли келди. "Момомдан эшитган эртакларим" кўрик-танлови ғолибаси бўлди. Кичик ёшдаги болажонлар учун ёзган эртаклари бошланғич синф дарсликларига киритилди. "Маликанинг эртаклари", "Қор парча", "Эртаклар - яхшиликка етаклар" номли тўпламлари шу йилларда босмадан чиқди.

Болалигиданоқ инглиз, француз тилларини мукаммал ўрганиб, кичик-кичик эртак-ҳикояларни таржима қилиб юрганлари қўл келди. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, Ўзбекистон жаҳон тиллари университетининг роман филологияси факультети талабаси бўлди. Дарсларидан, турли тадбир ва учрашувлардан фурсат орттириб, университет қошидаги "Соғлом авлод" номли деворий газетага муҳаррирлик ҳам қилди.

Ёш ижодкор қизнинг умр дафтарига зарҳал ҳарфлар билан битилган саналар қаторидан 2003 йил ҳам муносиб ўрин олди. Таълим йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Малика бу залворли номнинг масъулиятини теран ҳис қилади ва унга муносиб бўлиш учун тинмай изланади, ўқиб-ўрганади.

Маликани "Эртакчи қиз" ҳам дейишади. Эртаклари сони 70 тадан ошиб кетди-да, ахир. Ёзганда ҳам, "алдагани бола яхши" қабилида, шунчаки ёзмайди. Мақсади, эртаклар орқали болаларда эзгуликка интилиш ҳис-туйғуларини тарбиялашдир. Улар нутқини ўстириш, ўқиш ва ўрганишга ҳавас уйғотишнинг педагогик йўналиши" мавзусида кузатишлар олиб боради. Китобларининг рўйхати эса "Қорпарча", "Янги Орол эртаги", "Шошқалоқ ирмоқча" каби эртаклари ҳисобига ортгандан ортиб бораяпти. Шуларни ҳисобга олиб, университет раҳбарияти Малика Раҳмонбековани "Камолот" стипендиясига тавсия этди.

Қизларимиз орасида рақсга тушишни ёқтирмайдиганлари учрамаса керак. Малика ҳам бундан мустасно эмас, жуда чиройли рақсга тушади. Яна, теннис ўйнайди, сузишга қатнайди. Уй-рўзғор юмушлари, пазандачилик бобида ҳам ҳеч кимдан қолишмайди. Бунга "Таманно" кўрик-танловида 1-ўринни қўлга киритганида яна бир бор гувоҳ бўлганмиз.

Ҳаётда "Қизлар оила, уй юмушлари учун яратилган. Уларнинг ўқишлари шарт эмас", деган нотўғри қарашлар Малика сингари серқирра ижодкор қизлар, аёлларнинг ҳам жамиятда ўз ўрни, мавқеи борлигини исботлайди. Унинг тимсолида ўз билими, иқтидори ва салоҳияти билан юртимиз равнақига ҳисса қўшган давр қизларини кўраман.

**Феруза ЖАЛИЛОВА**

# МИННАТДОРМИЗ!

Фарзандим Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги Ҳакима опа Алихўжаева мудиралик қилаётган 100 сон мактабгача тарбия муассасасига боради.

Эрта тонг боғчага иштиёқ билан отланади. Боғчадан таассуротларга тўлиб-тошиб қайтади. "Мени вақтли олиб кетиб қўйманглар", дея тайинлайди. Ҳали "Ҳосил байрами», ҳали "Қиш эртаги", ҳали рақслар кўриги, ҳали спорт мусобақаси... Хуллас, унинг ҳар бир куни, соати, режалаштирилган.

Баҳор... Яна боғчада байрамга тайёргарлик, ҳовлиларни саранжомлаш, гул экиш, дарахт экиш, ҳайвонларга, қушларга қараш. Ундан ташқари математикадан мусобақа, спорт ўйинлари, мексикача, украинча рақс ўрганиш. Наврўз ҳаракати, миллий чиқишлар тайёрлаш, миллий буюмлар ясаш... Тасвирий санъат бўйича баҳорги беллашувларга қатнашиш... Ҳаммасига бош-қош бўлишга қандай улгуради боғча опалари? Ҳар бир бола бир олам, ана шу болаларнинг кўнглини топа олаётган боғча опалари, устозлар, ходимлар сизга раҳмат, сизга тасанно!

**Камола АЛИЕВА,**
**Тошкент шаҳри.**

✔ Шахсий фикр

# УЙ СИЗНИКИ, КЎЧА КИМНИКИ?

Уйи тинчнинг ўзи тинч, уйи сариштанинг ўзи саришта, деб бежиз айтмайдилар. Яна инсоннинг қандайлигини билмоқчи бўлсанг, энг аввало, уйини бориб кўр, деган гаплар бор. Чиройли, тартибли, ораста ҳовлилар киши кўнглини яйратади.

Мана, бир ҳовлидамиз. Дарвозадан бошланувчи чоққина йўлак. Кенг саҳн, юқорида олди айвонли уй. Йўлакнинг икки ёқаси бора-боргунча гулзор. Унинг икки тарафида ўрик, олма, гилос дарахтлари... Уйнинг олди баланд қилиб кўтарилган ишком. Зинадан айвонга чиқаётиб, чап томондаги ойнаванд хонага кўзим тушди. Ошхона чоғи. Бир чеккада тандирхона, ўтин-чўп турадиган омбор. Турли резавор экинларга ажратилган пайкал. Ҳовли этагидаги теракзор ортида яна бир бино - оғилхона бор.

Иморатни кўздан кечираман. Ошхонадан ташқари, тўртта хона: болалар хонаси, дарсхона, меҳмонхона, оромхона. Ортиқча нарса кўрмайсиз. Чет эл жиҳозларини ҳам. Хоналарни маҳаллий усталарнинг қўлида сайқал топган диван, сервант, стол-стуллар безаб турибди. Ҳашамдан холи, бежирим.

Инсон чиройини фақат сўнгги урфдаги либослар эмас, дид билан танланган, ўзига муносиб кийимлар очади. Худди шунингдек, бу ҳовли-жой ҳам қишлоқ табиатига хос оддийлиги, орасталиги билан менга ёқди. Лекин қингир-қийшиқ кўчалар, ўнг келган тарафга қараб қурилган ҳар хил шаклдаги бинолар, ҳатто, оғилхона, қўйхона билан ёнма-ён, рўбарў қурилган турар жойлар ва тепасига ғўзапоя ғарамланган бостирмалар ҳам борлиги, кўнгилни хира қилади. Тўғри эмасми? Бу эса кўча томонга қараган бинолар ҳуснига ярашмай "ямоқ"дек бўлиб турганига чидаймиз. "Кўча сифатини бузманг, бу ер оғилнинг жойи эмас, мол-қол турадиганини четроққа қуринг", дейдиган одам наҳотки топилмаса? Бу ҳам майли-куя, чорвасини кундузи дуч келган ерга боғлаб, ўт-ўлан солиб қўядиган, чиқиндиларига эса эътибор бермайдиган фаросатдан йироқроқ кимсалар борлигига нима дейсиз?..

Назаримда ҳар бир оила бошлиғи ўз ҳовлисининг, ўз уйининг меъмори бўлиши керак. Маданият, турмуш маданияти, энг аввало, уйимиз остонасидан бошланади. Шундай эмасми, азизлар?..

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**
**Андижон шаҳри.**

✔ Кайфият

# БАҒРИМГА БОСГАНИМ

Юртимизда баҳор. Наврўз шодиёналари давом этмоқда. Шундай кунларда барча қавм-қариндош, ёр-дўстлари бетоб ётганларни йўқлаб боради. Ўтганларни ёд этади. Ётган жойларига бориб тиловат қиладилар. Қабр атрофини тозалаб, гуллар қўйишади. Наврўз кўпчилик учун шодиёна байрам бўлса, мен учун бошқачароқ кечади у. Маъюс-у маҳзун бўлиб қоламан ўша куни. Бу балки яқинларимдан, жигарларимдан олисдалигимдандир. Шу тобда эрким сиғадиган, мени тушунадиган бир инсон бўлса, уни жимгина бағримга босиб турсам. Ҳеч нарса демасам. У ҳам ҳеч нарса сўрамаса, дейман. Шу лаҳзада бағримга босганим менинг онам бўлса, опам ё синглим бўлса ёки шулардай жигаржон бўлса. Қизим ё ўғлимга бу ҳолатимни кўрсатгим келмайди. Улар ҳали мурғак. Турмуш ўртоғинг эса барибир жигарингчалик бўлолмайди. Жигарларинг ўрнини ҳеч ким босолмас экан.

Кўнглимдаги алам ўтини сўндириш истагида яқинимиздаги қабристонга бораман. У худди гулзорга ўхшайди. Ҳар бир қабрда чечаклар — яшариш белгилари, яшаш истаклари... Бир четда ўтириб узоқ тиловат қиламан. Ҳовурим босилади. Бу гўё мўъжизага ўхшайди. Енгил тортиб уйга қайтаман. Энди ўзимнинг ўтган яқинларим ҳақига дуолар ўқийман. Дуоларда ҳикмат кўп экан, деган хулосага бораман. Балки "Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё..." деганлари шудир. Балки эмас, ҳақиқатда ҳам шундай. Бунга шубҳа йўқ.

**Дилором ИСМОИЛОВА**

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

# УЙ БЕКАСИГА АЙЛАНГАН ЭРКАК

Бир куни шомдан кейин кўчада тоза ҳавода сайр қилиб юриб, маҳалладош Баҳодир деган йигит билан танишиб қолдим. Мириқиб суҳбатлашдик. Орадан бир неча кун ўтиб, яна учрашганимизда у қувончини яширолмай деди:

- Отахон, яқинда уйланмоқчиман!
- Яхши, табриклайман! - дедим ва сўрадим:
- Бўлғуси келиннинг исми ким?
- Гулчеҳра.
- Исми чиройли экан, бирон жойда ўқийдими ёки ишлайдими?
- Йўқ, бозорда тирикчилик қилади.
- Сиз ишлайсизми?
- Отахон, ҳозирча бекорчиман, - деди у.
- Унда у қиз сизга турмушга чиқишга қандай рози бўлди?
- Биз уч-тўрт марта учрашдик. Мен ишламаслигимни баҳона қилса керак, деб туйдан гап очишга тортиндим. Бироқ бир сафар учрашганимизда ўзи гап очиб қолди ва: "Сиз қўрқманг, сизни ўзим боқволаман", деб далда берди, - деди Баҳодир.

Тўғриси, олдин ажаблангандай бўлдим. Кейин ҳозир бунақалар кўп-ку, деган ўйга бориб, парво қилмадим. Ҳар ҳолда насиҳат қилиб қўйишни жоиз билиб дедим:

- Ўғлим, барибир сиз ҳам ишланг. Эркакнинг топганида барака бўлади. Аёлнинг қўлига қараб қолиш эр йигитга ярашмайди.

Ўшанда мен Баҳодирнинг савлатига қараб, тоғни урса талқон қиладиган йигитлигига ишонган эдим.

Яқинда уни бозорда учратиб қолдим.

- Қизимга сўрғич излаб чиқувдим, - деди у.
- Қиз кўрдингизми?
- Ҳа, бир ёшга етай деб қолди.
- Зўр-ку, ота бўлдим денг! - уни сидқидилдан табрикладим ва сўрадим:
- Ишлаяпсизми?
- Йўқ.
- Нега?
- Э, отахон, ишлаб нима қиламан? Гулчеҳрахон ҳар куни камида ўн минг сўм топади. Бир ойда йигирма кун чиқса, икки юз минг сўм тайёр деяверинг. Бунча ойлик қаерда бор?

Орсиз, ғурурсиз йигит фахрланиб гапирарди.

- Келин нима олиб-сотади?
- Мева-чева. Қўйлиқ бозоридан кўтарасига олиб, кўча ва муюлишларда, пана-пастқамда юриб сотади, бир жойда туриб, савдо қилиш қийин, текширувчилар кўп. Қўйликдан ҳар гал ўттиз-қирқ кило олиб келади.
- Аёл кишига шунча юк оғирлик қилмайдими, яна кўчама-кўча юраркан?!
- Отахон, хотин кишининг жони темирдан ҳам қаттиқ бўларкан, хуфтонда келса ҳам чарчадим демайди. Гулчеҳрахон сўзининг устидан чиқиб, бизни боқаяпти.

Баҳодир шундай деб беўхшов иршайиб қўйди.

- Сиз уйда нима иш қиласиз? - сўрадим ундан.
- Қизим Умидага қарайман, овқатини бераман, йиғласа юпатаман. Уй ишларини ҳам ўрганиб олдим. Овқат пишираман, кир юваман, игна-ип ушлаб тураман. Яқинда духовкада нон пишириб кўрдим. Ҳозир Гулчеҳрахон уйда бўлган кунлари чучвара тугишни ўргатаяпти...

Ўзимни тутиб туролмадим.

- Тугишни-чи, тугишни ўргатмаяптими?! - деб юбордим.
- Бу нима деганингиз?! - у бироз қизишди. - Мен эркакман, эркаклик ғурурим бор, ўйнаб гапирсангиз ҳам ўйлаб гапиринг.
- Ўғлим, мен ўйлаб гапираяпман, сиз келинга жабр қилиш ҳисобига уй бекаси бўлиб қолибсиз, - дедим.



Афсуски, ҳозир бундай оилалар битта-иккита эмас, анча кўп учрайди. Бизнингча, бу тобора оддий ҳолатга айланиб бораётгандек. Оила боқиш масъулияти эркаклардан кўра аёллар зиммасига тушаётганлиги одат тусига кираётгани ачинарли ҳол, албатта. Бу бизнинг минг йиллик қадриятларимизга ҳам тўғри келмайди. Гап аёлларнинг тирикчилик йўлидаги хатти-ҳаракатлари ҳақида эмас, балки дангаса эркакларнинг уй бекасига айланиб қолаётгани хусусида бораяпти.

Етишмовчилик туфайлигина аёллар шундай синовларга қолиб, эркаклар уйда бекалик қилишга мажбур бўлишаяпти, деб ўйлаган одам хато қилади. Ҳаёт машаққатлари баъзи аёлларни шундай аҳволга солаётганини инкор этмаган ҳолда шуни айтмоқчимизки, умуман, бундай ҳолат баъзи ўзига тўқ ва ҳаётда қийинчиликка учрамаётган оилаларда ҳамда топармон-тутармон эркаклар ўртасида ҳам кузатилмоқда. Бундай ҳолат охир-оқибатда эркакни аёлмижоз, аёлни эса эркакшода қилиб қўяди. Бу нафақат маънавий қадриятларга, балки оиладаги муҳитга ва фарзандлар тарбиясига ҳам салбий таъсир қилади.

Эркаклик ғурури жисмоний салоҳиятда эмас, аввало, оилага бош бўла билишда намоён бўлади. Оилада отанинг ўз ўрни бўлиши керак. Бу мавқе оилани боқиш ва бошқариш масъулияти билан қадр топади. Ота уй бекасига айланиб қолганида бу қадр хира тортади. Албатта, ҳар бир эркак оила ишларида ўз аёлига ёрдамлашса, бунинг ёмон жойи йўқ. Бироқ бу ёрдам бутунлай ўрин алмашишдан иборат бўлиб қолмаслиги зарур. Айниқса, фарзандларни тўғри тарбиялашда ота билан она ўз ўрниларида бўлиб, оиладаги маънавий муҳитни муомала ва хатти-ҳаракатлари билан изга солиб туришлари муҳимдир.

Сир эмас, бизнинг миллий қадриятларимиз ҳамда турмуш тарзимизда бутунлай ёт маънавият ва мафкура таъсир кўрсатишга уринаяпти. Бу уринишда оилада аёлнинг эркакдан устунлигини кўрсатишга интилиш бор. Орамизда уларга мойиллик билдираётганлар ҳам йўқ эмас. Бугун уй бекаси бўлиб қолган отанинг олдида деярли ярим-яланғоч ҳолда диванда чўзилиб ётганича телевизор кўраётган қизлар йўқ дейсизми?! Эртага бу қизлар отага сочини турмаклатиб, кийимларини ювдиришдан ҳам топ тортишмайди. Ҳеч қандай "тараққиёт" ва "замонавийлик" ўзбек оиласида отанинг ўрнини камситмаслиги, айниқса, бунга ўз масъулиятини англаган ота-оналар йўл қўймасликлари керак. Ўзгаларнинг вазиятга ва кайфиятга қараб ўзгариб турадиган турмуш тарзлари ҳамда сунъий равишда ўйлаб топилган одатлари биз учун ибрат бўлолмайди.

Баъзан бозорлар, автобекатлар, хиёбонлар, масжидлар, зиёратгоҳлар олди ва бошқа жойларда тиланчилик қилиб юрган одатдаги лўлиларни эмас, негадир ёш чақалоқларини бағрига босган аёлларни учратамиз. Сўзсиз, улар ҳар бир инсонда раҳм-шафқат туйғусини уйғотади. Юртимизда уларга хайр-эҳсон қилувчилар кўп. Бу яхши, албатта. Бироқ бир нарса кишини ўйлантириб қўяди. Нега нуқул ёш аёллар ва деярли ҳаммасининг қўлида чақалоқлари бор? Демак, аксариятининг турмуш ўртоғи бор. Агар бўлса, нега улар ёш аёлларини бундай аҳволга солиб қўйишган? Балки "бор, топиб кел", деб ўзлари уйда бекалик қилиб ўтиришгандир?! Бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда уларнинг ҳаммаси ёлғиз аёллар эканига ишониш қийин. Кийинишлари ҳам ажабтовур, ҳатто қўлларидаги гўдакларни ҳам яхши кийинтириб қўйишган. Баъзан нохуш уй-хаёлларга борасиз: наҳотки, ўз аёлини шу кўйга солиб қўйган эркак ўз пушти камаридан бўлган фарзандини боқиш ҳақида бош қотирмаса?!

Яна бир ҳақиқатни айтиб ўтишга мажбурмиз. Ҳозир ота-онасининг нафақаси ҳисобига яшаб, уй бекасига айланиб бораётган йигитлар оз эмас. Мен уйда овқат пишириб, кир ювиб, телевизор кўриб, бошқотирма ечиб, отаси ёки онасининг нафақасини интизор бўлиб кутиб ўтирадиган не-не йигитларнинг учратганимда ҳайратдан бош чайқайман. Ҳали уйланмаган йигитлар ўзи боқадиган қиздан "совчи" келишини кутиб ўтиришади. Соппа-соғ бўла туриб эркакнинг уйда бекор ўтириши, бекалик қилиши жуда хунук кўринади.

Бизда аёл ҳамиша оила кўрки, уй бекаси, фарзанд эса оила қувончи бўлиб келган. Шак-шубҳасиз, эркаги бор уйнинг файзи ўзгача. Ишёқмас, дангаса, оилани боқиш ташвиши билан яшамайдиган ва уй бекаси бўлиб қолган эркак эса ҳеч қачон уйга файз ва барака кирита олмайди.

**Иброҳим НОРМАТОВ.**

# ЕТТИ ЙИЛЛИК КУТИШДАН СЎНГ...

*Қўнғироқларингиз...*

- Таҳририятми? Мен Тошкентдан қўнғироқ қилаяпман. Исмим Гулшан опа. Сизларга айтадиган бир гапим бор эди, - дея ҳаяжон билан гап бошлади у. Мен шу Тошкент шаҳридаги катта маҳаллалардан бирида яшайман. Фарзандларим ўзидан тинчиган. Лекин қўшнимизнинг уйида юз берган воқеани кўриб сира чидай олмай куйиб кетаяпман-да. Қани эди ёрдам бера олсам...

**- Айтинг-чи, гап нимада ўзи?**

- Ён қўшнимизнинг Зумрад деган бир ажойиб келини бор эди. Турмушга чиққан пайтида нуфузли ташкилотлардан бирида ишлар эди. Кейинчалик эри Жамшид рашк қилдими, ишқилиб ишидан бўшаттириб олди.Шу-шу Зумрад уйда қайнона-қайнотаси ва эрининг хизматини қила бошлади. У жуда озода ва пазанда бўлгани учун қайнона ва қайнотаси ҳар куни дуо қилиб, алқаб ўтиришарди. Маҳалладагилар уларга ҳавас қилишарди. Вақти келиб Зумрад бир ўғил, бир қиз туғди. Лекин мана шу пайтда Зумраднинг эри йўлга отлана бошлади...

**- Қаёққа кетаётганди?**

- У Америкага ишга жўнаётганди. Ваҳоланки бу ердаги ҳаётлари ҳам тўкис, ҳамма нарсалари бадастир эди. Лекин бу эрини унча қониқтирмади шекилли...

**- Зумрад бунга рози бўлганмиди?**

- Энди у бечора ҳам нима қилсин? Эрига қайнона ва қайнотаси рухсат бериб бўлишган бўлса? Бир ярим ёшли ўғилчаси ва бир ойлик қизчасини бағрига босганча, эрига оқ йўл тилаб қолаверди. Зумрад уйида тинмасди. Уйидаги қарияларнинг кўнглини олар, болаларига қарар, бунинг устига барча уй юмушлари ҳам унинг зиммасида эди. Эри эса ҳар замонда пул юборар, кўп ҳам гаплашавермасди. Менга таъсир қилган жойи шундаки...

Орадан етти йил ўтганда Зумраднинг эри Америкадан қайтди. Бироқ энди у илгариги Жамшид эмасди. Бутунлай ўзгариб кетганди...

**- Яхши томонга ўзгарганмиди, ишқилиб?**

- Э, ана шунисига куяман-да. У атрофида чуғурлашиб юрган фарзандларига ҳам, тинмай ошхонада куймаланаётган хотини Зумрадга ҳам бепарво эди. Соатлаб соткасида гаплашар, гоҳо туриб чиқиб кетганча, тун ярмида қайтарди. Зумрад эса эрининг кўнглини топиш учун меҳмонларини ўрнига қўйиб кутар, ҳатто ўзига қарашга вақт ҳам топа олмасди. Назаримда уларнинг ҳаёти яна жойига тушгандек эди. Аммо, адашган эканман...

**- Нега?**

- Чунки орадан уч ой ўтгандан сўнг Жамшид ажрашиш пайига тушди. Ажрашиш жараёнини тезлатиш учун бор кучи билан ҳаракат қилди. Биз қўшнилар, ҳатто Жамшиднинг ота-онаси ҳам бу гапни эшитиб лол қолгандик. Рост-да, ахир бу қанақаси? Бечора Зумрад Жамшидни роса етти йил кутса-ю, эр жонивор ажралиш ҳаракатига тушса?...

**- Зумрад-чи? У нима қилди?**

- Бечора ҳам эрининг кутилмаган ишидан ҳайрон эди. Ахир етти йил болаларини эри келгунча пуфлаб катта қилди. Унинг ота-онасини парваришлади. Эридан хат-хабар келмаса ҳам уни етти йил давомида кутиб яшаганди. Оиласини сақлаб қолишга қанчалик интилмасин, бўлмади. Беш ойдан сўнг ажрашишди. Зумрад икки боласини олиб, йиғлай-йиғлай отасининг уйига қайтди. Эр эса озод қуш, энди унга хотинидек оддий, садоқатли аёллар эмас, олифта, очиқ-сочиқ кийинадиган аёллар ёқарди. Буни ўзи ҳам очиқ айтаверарди. Ёнида унча-мунча пул бор, нима қилса қилаверади-да...

**- Зумрадга уй-жой қилиб беришмадими?**

- Айтгандек, Зумрад ҳам вақтида эри юборган пулларни йиғиб-териб, рўзғордан тежаб-тергаб йиққан пулига тўрт хонали уй олиб, ўзининг номига расмийлаштириб қўйган экан. Ҳозир шу уйда яшаяпти. Эри бу ҳақда билиб қолиб, уйни олиб қўйиш учун роса судлашди. Одил суд эса уйни Зумрадда қолдирди. Мана, иккита боласи билан шу уйда яшаяпти. Пенсионер бўлса ҳам ота-онаси ёрдам беришаяпти. Ўзи ҳам иш излаяпти. Болаларини қанотига олиб, ўзи емай едираяпти, киймай кийдираяпти. Уларнинг келажаги учун қайғураяпти. Эри эса ҳануз ўзига муносиб қизни излаш билан овора...Тавба! Хотин шўрлик етти йиллик умрини уй-рўзғорию қайнона-қайнота хизматига бағишласа-ю, йиллар давомида орзиқиб кутган эри уни ташлаб кетса? Бу қанақаси, наҳотки эркакларда инсофу диёнат қолмаган бўлса? Лекин эри ноинсофлик қилган, оиласидан воз кечган бўлса-да, Зумраднинг қайнона-қайноталари ҳануз уни уйларига чақиришади. Келиб, ўзлари билан бирга яшашга кўндирмоқчи бўлишяпти-ю лекин Зумрад бунга кўнмаяпти. "Нима қиламан қайтиб? Шунчалик меҳнатимни, кутганимни билмаган эркакни ҳар куни кўришдан нима фойда? Дарз кетган кўнгилни энди чегалаб бўларканми?", - дейди. У ҳам ўзича ҳақ.




**Гулшан опанинг сўзларини эшитиб ўйланиб қолдик. Тўғри, ҳозир пул, бойлик дардида чет элга кетаётган аёллар кўп, лекин эркаклар ҳам оз эмас.**

**Жамшид ҳам ана шундайлардан бири экан? Чет элга бораётганлар оиласи, бола-чақасининг яхши яшашини таъминлаш учун ҳузур-ҳаловатидан воз кечишади. Лекин пул топгач, оиласи кўзига хунук кўринаётганлар қанча? Жамшид ҳали бу ишидан пушаймон қилади, боши деворга текканда эса кеч бўлади. Зумрадга эса:**

**- Тўғри, етти йиллик садоқатингизни қадрлашмабди. Лекин барибир эгилманг. Фарзандларингиз учун яшашингиз керак. Қаддингизни баланд тутинг. Ишга киринг, жамиятда ўз ўрнингизни топсангиз, ҳалол меҳнат қилиб фарзандларингизни ҳалол ризқ билан боқинг, дея газета орқали йўл кўрсатдик.**

***Азизлар! Сизлар-чи, бу аёлга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?***

**ГУЛБАШАКАР**

---

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

# ҒУРУРНИНГ ҚУЛИГА АЙЛАНГАН КЕЛИН...

- Мен оилада ўн уч фарзанднинг кенжаси бўлиб туғилганман, - дейди йигирма ёшлардаги келинчак. - Онам раҳматлик қаттиқ касалга чалиниб, тўшакка михланиб қолибдилар. Момомнинг айтишича, онам мени эмизишга ҳам кучи этмай, қўшни келин эмизган экан. Тўрт ойлигимда онам вафот этган. Аммо отам мени эркалаб, суйиб, вояга етказдилар. Мен ҳам эрка, ҳам тантиқ бўлиб ўсдим.

Ўн еттига тўлганимдан кейин мени отам турмушга бердилар. Қайнота-қайнонам жуда обрўли кишилар эди. Турмуш ўртоғим Исмоил ака ҳам институтни тамомлаган, заводда механик бўлиб ишлардилар. Тўй ўтганидан кейин бир йилча турмушимиз ҳавас қилгудек кечди. Лекин оилада эрка қиз бўлиб ўсганим учунми ё она тарбиясини олмаганим учунми уй-рўзғор ишларини маромига етказиб бажара олмасдим.

Ўша куни эримнинг ишхонасида навбатчиликда қоладиган куни эди. Мен кечки овқатга уннаётган эдим.

- Нима овқат қилаяпсиз, хоним, - деди у олдимга келиб.

- Нимани истасангиз ўшани пишириб бераман, - дедим жилмайганча.

- Унда бир қўлбола ош дамланг. Навбатчиликка ҳам олиб кетаман. Дўстларим: "Келиннинг қўлидан ош ейлик", деб қулоқ-миямни еб юборишди.

Мен тез сабзи тўғраб, ош дамладим. Ликобчага чиройли қилиб сузиб, совуб қолмаслиги учун яхшилаб ўраб, қўлларига тутдим.

- Келин, ош бироз дам олса бўларкан. Гуруч хомроқ бўлиб қолибди, - деб танбеҳ берди қайнонам овқат маҳали.

Шу пайтда қайнонам кўзимга бало бўлиб кўриниб кетди. Гапларида жон бор эканлигини билиб турсам ҳам, ичимда: "Ҳар доим бир айб топмаса бўлмайди", деб ўксиниб қўйдим. Эртаси куни эрталаб эрим жаҳл билан уйга кириб келди.

- Хоним, менинг устимдан дўстларим тоза мазаҳ қилишди. Биласизми, нега? Кеча олиб борган ошни ўзимга едиришди. Овқатга сал меҳр берсангиз бўлмайдими?! - деб кўчага чиқиб кетди.

Кун бўйи уйдан чиқмай, тинмай йиғладим. Гоҳ-гоҳида эшикка қараб қўярдим. Ё тавба, тирикмисан, ўликмисан, деб ҳеч ким хабар олмайди-я. Ҳар ким ўз юмуши билан машғул бўлиб, кунни кеч қилишди. Қорним очиб кетган бўлса ҳам ғурурим уйдан чиқишга йўл қўймасди. Ҳозир эрим ёки қайнонам келиб, тавбаю тазарру билан олиб чиқиб кетишади, дея кутдим. Ахири тоқатим тоқ бўлиб, ҳеч кимга индамай уйдан чиқиб кетдим. Эрим қўлимдан етаклаб, уйга ялиниб қайтармагунча энди қайтмайман, деб ўз-ўзимга ваъда бердим.

**- Шу кўйи қаерга йўл олдингиз?**

- Қаерга ҳам борар эдим. Албатта ота уйимга-да. Тўғри, келинойим совуққина кутиб олган бўлса ҳам отам билан акаларим очиқ чеҳрада қаршилашди. Акамнинг: "Эринг ўзи келиб, сендан узр сўраб, олиб кетмагунча уйингга қайтиб бормайсан", деган гапи мени руҳлантириб юборди. Лекин натижа биз кутгандек бўлмади. Мана бир йилдирки, на эрим, на унинг ота-онаси мени сўраб келишгани йўқ. Отам кўп бора: "Эгилган бошни қилич кесмас, уйингга қайтиб бориб, ҳеч нарса бўлмагандек яшавер", деб айтдилар. Лекин бунга ғурурим йўл қўймасди. Бундан уч ойлар аввал акаларим тушган уйимга бориб, бор бисотимни йиғиштириб келишди. Назаримда, улар: "Синглим ажрашаман, деб туриб олса, қайнона, қайнотаси бош эгиб, биздан ўтибди, деб келишади", деб ўйлашган бўлса керак. Акаларим борган куни қайнонам ҳеч нарса бўлмагандай очиқ чеҳра билан кутиб олибди. Меҳмондорчиликни ҳам ўрнига қўйибди. Катта акам: "Ажрашсаларинг, ажрашинглар, бўлмаса алоҳида уй қилиб берамиз, бирга яшайверинглар", деб айтиш учун эримни роса кутибди, ҳадеганда келавермагандан кейин қайтишибди.

**- Ҳозир ғурурни пеш қиладиган ёки унга риоя қилиб, иш тутадиган аҳволда эмассиз. Эркак кишининг йўриғи бошқа. Агар сиз айтгандай яхши, топармон-тутармон, одобли йигит бўлса, ким ҳам унга қизини бермайди, дейсиз...**

- Тўғри, гапингизда жон бор. Фақат... фақат энди бир йил ўтганидан сўнг қайси юз билан у хонадонга кириб бораман? Қайнона-қайнотамнинг кўзларига қандай қарайман? Қайнонам тушунган, эл орасида юрган аёл-ку, мен кетганимдан кейин ақалли бир марта сўраб келсалар бўларди-ку!

Қайнонамнинг келин излаб юрганини эшитиб қолдим. Тўғри, ҳамма айб менда, ғуруримни пеш қилиб уларга бошимни эгмадим. Лекин мендек ношуд келиннинг айбидан ўтиш, йўл-йўриқ кўрсатиш уларнинг вазифалари эмасмиди?

***Азиз замондош! Айбига иқрор бу ёш келинчакнинг сўзларидан сизни огоҳ этарканмиз, ҳар галгидек мактубларингизни кутиб қоламиз.***

**Наргиза МУРОДОВА**

# САҲНА МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Акс-садо

**“Саҳнанинг ўз одоби бор”, 5-сон**

**ЭСЛАТМА: Телевизордан берилаётган клипларни кўриб ёқа ушлайсиз. Ярим яланғоч раққосаларнинг «хиром» айлашидан кўнглингиз айнийди. Айниқса киноларда хонандаларнинг актёр бўлиб роль ижро этаётганлари ғашингизни келтиради.**

**Муаллиф: С. Маматқулова**



Ушбу мақолани ўқиб, юрагим жунбушга келди. Гўёки, менинг ҳам дилимда анчадан бери тўпланиб турган дардларим очилгандай бўлди.

Дарҳақиқат, саҳна - муқаддас даргоҳ. Ҳамма даврларда ҳам у таълим-тарбия, аҳлоқ-одоб, бебаҳо маънавиятимиз мактаби бўлиб келган.

Худди шу саҳна орқали машҳур актёрларимиз Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонтўраева, Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, қўшиқчилик санъати усталари - Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодиров, Коммуна Исмоилова, рақс санъатининг моҳир устаси Мукаррама Турғунбоеваларни танидик. Ҳозир ҳам эъзозу ҳурмат билан эслаймиз. Ботир Зокировнинг мунгли “Раъно” қўшиғини ҳозиргача ҳиргойи қилиб юраман. Лекин айрим сохта қўшиқчилар бу муқаддас даргоҳга доғ туширишаяпти.

Яқинда “Дамас” машинасига чиқсам, қўшиқ янграяпти:

***“Нима қилай, ёқтирганим***
***андижонлик безори,***
***Нима қилай, юрагимга ёқади-ей,***
***озори...”***

Ёнимдаги ўриндиқда ўтирган эркак кишидан хижолат бўлиб, ҳайдовчига: “Ўғлим, бошқа қўшиқ қўйинг”, - дедим. У орқага қараб, бир ўқрайди-ю, магнитафонни ўчирди. Ҳайдовчининг ёнида ўтирган, она сути оғзидан кетмаган йигитча: “Ҳа, холажон, ёқмадими, замонавий қўшиқлар?” - деб тиржайиб қўйди.

Қаранг, замонавий қўшиқмиш, безорининг озори ёқармиш.

Ҳаммасиям майли-ю, концерт дастурларида “юлдуз”ларнинг саҳнадан пастга тушиб, томошабинлар ўртасида юргандаги аҳволларини айтмайсизми? Ярим яланғоч ҳолда эл ўртасида юришади. Ёши улуғ одамлар уяту номусдан бошларини эгиб олган, ёшлар эса “ҳаяҳая”лаб олқишлаган.

Ўйланиб қоласан, киши. Ахир биз ўзбекмиз-ку! Шаҳар бедарвоза эмас, деганларидек, санъат дарвозасини ҳам қўриқлаш, тасодифий қўшиқчи-ю, ўйинчилардан асраш вақти келди.

**Раъно ҲИММАТҚУЛОВА,**
**Фарғона шаҳри.**

**“Фаросат ўзи нима?” - 46-сон, 2007 йил**

**ЭСЛАТМА: Фаросатни бир сўз билан ифодалаб бериш қийин. Фаросат одамлар орасидаги муомала-муносабатимиз, юриш-туришимиз, уй-рўзғордаги иш тутишимиз. Хуллас, бизнинг қандай одамлигимизни белгиловчи тушунчадир.**

**Муаллиф: Муҳаббат Туробова**

# ҲАР СОҲАДА МЕЪЁР БЎЛСА

Яқинда бир ҳамкасб танишим билан суҳбатлашиб қолдим. Боласи ҳали олти ойлик бўлгани учун ишламас, эри ҳам ҳеч жойда ишламагани боис анча қийналиб қолганидан хабарим бор эди.

- Болангизга нафақа пули олмаётган экансиз, анча қийналаётгандирсиз-а? - дедим.

- Опажон, аҳволимни сиз сўраманг, мен айтмай. Яқинда акамни уйлантирувдик. Ота-онамдан кўмак сўрай десам, онам уч йил бурун оламдан ўтган. Уйда 6 мол, 2 бузоқ бор эди. Элнинг ошини едим, энди навбат меники, дея отам 150 кг гуруч дамлатди. Дошқозондаги ошни улгурганча қўни-қўшнига тарқатдик. Ярмидан кўпи ачиб қолди. Ичимлигу хўжакўрсинга кетган сарф-харажатни сўраманг, агар меъёрда тўй қилганида ҳозир уйдагилар ҳам қийналмаган, бизга ҳам нафи тегармиди? - дейман ўзимча. Эрта-индин ишга тушсам қайтарардим-ку, ишлаб.

Дилни оғритадиган, кишини ўйлантирадиган муаммо. Баъзилар тўкин-сочин тўй қилиб ҳаммадан устун бўлишни, эл “Оҳ, зўр қилибди”, - дея олқиш олишни истайди. Бироқ, ниманинг эвазига? Дабдаба билан тўй ўтказиш, бир ҳафтадан сўнг оиланинг иқтисодига путур етишини бошидан ўтказган билади. Она-ю қизнинг тиллога ялтир-юлтурга ўчлиги оиладаги фарзандларни ейиш-ичишдан қисишга, келажакда заиф ва касалванд бўлиб вояга етишига олиб келиши барчага кундек равшан.

Фаҳм-фаросат, тарбия таълимдан устундир. Чунки тарбия асосида эртанги кун, келажак ётади. Ёлғиз бугина эмас, кўча-кўй, жамоатчилик орасида ҳам кишиларнинг ўз турмуш тарзига доғ тушираётгани, хулқига мос келмайдиган хатти-ҳаракатлар қилаётгани кўпчиликни ўйлантиради. Чунончи, аёллар ва ўсмир қизларнинг узун сочларини ёйиб юриши, бадани кўринарли даражада кийиниши, тирноқларини 2-3 см.га ўстириши, киндиклар очиқлиги, икки киши сўзлашаётганда учинчи киши келиб уларнинг суҳбатини бўлиши, ўғил болаларнинг сочларини елкага қадар ўстириши, кўча-кўйда оғизни катта очиб кулиши берилган номаъқул тарбиянинг бир кўриниши деб биламан. Тўй-ҳашамда ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйиш, рўмол учига пул тугиб тарқатиш, келин қайнотадан, куёвнинг қайнонадан ийманмаслиги, ўғил отага, қизнинг онага тик қараши... Дарсда ўқувчиларнинг бемалол кавшаниб ўтириши киши дилини хира қилади.

Яхши тарбия кишига ибрат йўли, намуна бўлиш орқали сингиб боради. Катталарнинг ўзини элга кўз-кўз қилиш мақсадида қилаётган ишлари болага таъсир қилмай қолмайди. У эртага бундан ҳам ўтказишни хоҳласа, ажабланманг. Бироқ яшашдан мақсад соғлом оила, турмуш тарзи эмасми? Ҳою ҳавас, мақтанчоқликдан не наф?

Камтарлик ўзидан нур таратувчи гавҳардир. Одамни кийинишига қараб кутиб олишса, ақлига, фаҳму фаросатига қараб муомала қилишади. Шуни унутмасак бас.

**Фарида ТОҲИРОВА,**
**Чирчиқ шаҳри.**

# ЯРАШИҚЛИ БЎЛСА ЛИБОСЛАР

**“Тўйлар ҳақида ўйлар” - 5-сон**

**ЭСЛАТМА: Тўй оқшомида келин-куёв киядиган никоҳ либослари ҳақида ҳаммамиз ўйлаб кўришимиз керак.**

**Муаллиф: Раззоқ Ҳакимий**

Ха, муқаддас ва мўътабар кун - никоҳ тўйи куни кийиладиган кийимлар кундан-кунга яланғочланиб бораётгани рост. Маҳалла, кўча-кўйда келинлар учун турли кўйлакларни ижарага берувчи дўконлар жой олган. Телевизорда ҳам, баъзан газета эълонларида ҳам Европа русумидаги келин кўйлаклари ижарага берилади, деган эълон ёки рекламаларга кўзимиз тушади. Бориб сўраб суриштиринг-чи, бир кунлик тўй либосини олиб кийиш неча сўмга тушар экан. Келин бўлмиш иложи борича “янги”сидан, “замонавий”сидан, “кийилмаган”идан олишга интилишади. “Бир кунлик орзу-ҳавас, дея шунча пул сарфлаш шартмикан?”, деган саволга: “Қизиқмисиз, нима қилибди? Куёв кучи етса келин олсин-да ёки ҳа энди...” деган жавобга дуч келасиз. Аммо ўша 80, 100, 150 минг сўмлик пулга келадиган кийимнинг очиқ-сочиқ, “текин томоша”лиги ёки шу кийимнинг атиги 2 ёки 3 соатлиги кимга, қанчага тушаётганлиги билан кимнинг нима иши бор.

Шу кийимда ярқираб кўринган келиннинг тўй ўтгач, ҳарорати кўтарилиб, лов-лов ёниши, алаҳсираб, неча кунлаб дори-дармон олишини кўриб, шу мулоҳазаларни ёзишга жазм қилдим.

Айни қорли кеча бағрида тилаклар уммонида оқ қушдек виқорли келин-куёвларга ҳамманинг ҳаваси келарди. Бир костюм-шимда куёв (қишда ҳам, ёзда ҳам, кузда-ю, баҳорда ҳам) доимий либосда. Қизларимиз учун кундан-кунга янги-янги турдаги (базм учун, чарлар учун, тўй куни учун, қиз мажлиси учун, келин салом учун каби) келинлик либосларининг “турфа олами” ўз намойишини кенгайтирмоқда. Бир тўйда келинлик кийимида тортиниб, уялиб турган келинни кузатдим. Ундаги бу ҳолат бир кунлик ҳаяжонми, деган ўй мени тинч қўймаган бўлса, яна: “Хола, бу кийимда ўзимни жуда ноқулай сезаяпман. Елкаларим очиқлигидан синфдош ўғил болаларимиздан уялаяпман...” деган сўзларини эшитиб, бир ўйимга минг ўй қўшилди. Айни қиш фаслида очиқ либосда совуқдан дирдираб турган келинчакнинг ўрнига шу хола, янга, амма, опалар ўзларини қўйиб кўрсалар бўларди.

Эсимда, тўй кунимиз белгиланганди. ЗАГСга- боришимиз керак. Куёв бўлмиш қўнғироқ қилиб: “Миллий кийимда чиқсангиз, ўша ерга ҳам миллий кийимда борсак”, деган гапни айтдилар. Аввалига иккиландим, аммо бу таклиф онажонимга маъқул тушди. Жуда хурсанд бўлдилар. Қўлим билан тиккан ёпинчиғимни (ҳозирги тилдаги ФАТА) дўппи устидан ташлаганимда у ҳаммада ҳавас уйғотганди. Уни келин саломда кийганимда куёв тарафдагилар ҳам, бошқа қўни-қўшнилар ҳам қизиқиб суриштирди. Мен келганда 5 яшар бўлган қизалоқ (қайнсинглим) йиллар ўтиб, бўй етиб, катта қиз бўлди. У ҳалигача: “Янга, ўшанда ёпинган ёпинчиғингизн менга берасиз-а”, дейди. Демак йиллар ўтса-да, ўша ҳавас унинг қалбидан ўчмаган экан.

Ўшанда тушган расмларимизни кўриб, ҳеч афсусланмайман. Кийган кийимимга қизиққан қизимнинг: “Сиз фата ёпинмаганмисиз, салонлар йўқмиди ўша пайтда?”-деган саволига эса: “Бор эди, фақат мен ва дадангнинг хоҳиши шу бўлган эди”, деб жавоб бераман.

Умуман ярашиқли либос инсоннинг ҳуснига ҳусн, чиройига чирой қўшади. Бир тўй учун 4-5 хил рангдаги кўйлаклар кийиш шартми деб ўйлайман. Қолаверса ҳаммасининг елкаси очиқ, енги йўқ ёки енги бўлса ҳам калта. Юпқаликда дока ҳам унинг олдида қалинлик қилади.

Муаллифнинг келин-куёв либослари дўконларида замонавий кийимлар қаторида мавсумий тўй кийимларини сотиш ва тикиш хизматлари йўлга қўйилса, деган фикрига қўшиламан.

Ўша лов-лов ёнган келиннинг 10 кун давомидаги дори-дармони келин либоси қимматига яна шунча пул қийматини қўшди. “Касаллик бир кунлик меҳмонга ўхшайди, аммо ўша меҳмонни кузатган мезбон билади бунинг ҳолатини”,-деб Жалолиддин Румий тўғри айтган.

Тикувчилар, дизайнерлар бу хусусда ўйлаб кўришса яхши бўларди.

**Дилбар НОРМУРОДОВА,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Термиз шаҳри.**

Муаллиф ёзганидек, ҳақиқатан ҳам никоҳ тўйларида қандай фасл бўлишидан қатъий назар, келинчаклар деярли ярим яланғоч ҳолда ўзларига ажратилган жой-кўшкка келиб ўтиришади. Шу ҳолатда қайнона-қайнотасининг уйига келади, салом беради. Бу шарқона одатларимизга тўғри келмайди, албатта.

Ярим яланғоч кийинган келиннинг изғиринли кунларда 5-6 соатлаб тўйхонада ўтириши унинг соғлигига ҳам, мусулмончилигимизга ҳам тўғри келмайди. Аввало келинларимиз миллий кийимларда ўтирсалар чиройли бўларди. Мен бир мақолани ўқиб чиққандим. Никоҳ кўйлагини ижара олиб кийган келиннинг баданига турли тошмалар тошади. Кейинчалик ўша келинчак пес касалига мубтало бўлади. Тўй қолдирилиб қиз бечора қайта турмушга чиқмасдан бахтсиз бўлиб қолади. Ахир бу ижарага берилаётган оқ кўйлак кийишнинг оқибати-ку. Никоҳ кўйлагини юзлаб келинлар кияди, уларда турли тери касалликлари бўлиши мумкин-ку. Шунинг учун бўлажак келинларга ижарага кўйлак олиб кийманглар, дея маслаҳат берган бўлардим.

Тилагим шуки, келин-куёвларимиз фаслларни инобатга олиб, соғлиқларини муҳофаза қилсалар, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилишини эсларидан чиқармасалар...

**Раънохон ЖУМАНИЁЗОВА,**
**Андижон шаҳри.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Ҳурматли Баҳодир ТУРСУНОВ!**

Таваллуд 60 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Оила аъзоларингиз



**Синглим МАЛОҲАТХОН!**

Туғилган кунинг билан табриклайман. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ўйлаган режаларинг амалга ошишида тилакдошман.

София



**Онажонимиз СВЕТА!**

Туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин. Бахтимизга соғ-омон бўлинг. Қалбимиздаги эзгу тилаклар сизга, онажон.

Қизларингиз Наргиза, Юлдуз

**МОМОГУЛ момо!**

Таваллуд айёмингиз—54 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Бобом билан узоқ умр кўриб, бахтимизга соғ-саломат бўлинг.

Русланбек, Фаёза, Ҳуснорабону



**Қизимиз ГУЛИХОН!**

9 ёшга тўлишинг билан табриклаймиз. Оқила, доно, соғлом қиз бўлиб улғайгин. Сенга узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.

Ота-онанг.
Хоразм вилояти.

**РУСТАМБЕК!**

Таваллуд айёминг—29 ёшинг билан табриклаймиз. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-омад тилаймиз. Ҳаётинг қувончу шодликларга бой бўлсин.

Ота-онанг

**Ҳурматли Гулнора ТОЖИЕВНА!**

Таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Ҳамиша соғ-саломат бўлиб, ишларингизда омад ёр бўлсин.

Ортиқвой, Гулнора

**ТАТУдан** 2004 йилда **ХУДОЙБЕРГАНОВА ГАВҲАР ҒОФИРЖОН қизи**га берилган **04ТУ162** рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

# АЙТИШУВ

**Эр:**
*Қариндошинг келса, ўтсин деб турасан,*
*Кетгизгали қўймай ётсин деб турасан.*
*Менинг яқинларим меҳмон бўлса гар,*
*Қовоғингни уйиб, кетсин деб турасан.*
**Хотин:**
*Қариндошлар келса, ичсам деб турасиз,*
*Узлуксиз шишани очсам деб турасиз,*
*Бу ҳам етмагандай, пулни совуриб,*
*Улфатлар олдига қочсам деб турасиз.*
**Эр:**
*Бир гапга ўн гапни қўшиб турасан,*
*Қўшниларга гапни ташиб турасан,*
*Мени ерга уриб, осмон бўлиб сен,*
*Қачон нарвонингдан тушиб турасан.*
**Хотин:**
*Бир ишни буюрсам, бўзлаб турасиз,*
*Қочишга баҳона излаб турасиз,*
*Қартабозлар билан ёнбошлаб олиб,*
*Билмадим, кимларни "туз"лаб турасиз.*
**Эр:**
*Гап билан доимо чайнаб турасан,*
*Қора човгумингдай қайнаб турасан,*
*Иш қачон тугабди, кейин ҳам бўлар,*
*Уйқудан чалғитиб, қийнаб турасан.*
**Хотин:**
*Доимо ўзингиз оқлаб турасиз,*
*Болалар олдида дўқлаб турасиз,*
*Туфлиси йиртилиб, мактабга бормас,*
*Энди кимдан қарз йўқлаб турасиз.*
**Эр:**
*Ўқигани билан олим бўлмайди,*
*Ўғлинг-ку, футболдан бери келмайди,*
*Туфлиси йиртилса, тўпни кам тепсин,*
*Шу замон ямоққа ҳеч ким кулмайди.*
**Хотин:**
*Кетиб қолсам уйдан қайга борасиз,*
*Наҳотки, ўзингиз хамир қорасиз?*
*Ошхонани топмай, ярим кечаси,*
*Биламан, неча бор бошни ёрасиз.*
**Эр:**
*Нима ҳам қилардинг рўзғордан совиб,*
*Майлига кетавер, қўлингни ювиб,*
*Янгаларинг ахир сиғдириб бўпти,*
*Уч кунда юборар уйидан қувиб.*

**Пардабой ҚУЛАТОВ.**
**Сурхондарё вилояти,**
**Жарқўрғон тумани.**

# Масаллар

**ИГНА БИЛАН ИП**

- Игна билан доимо дўст бўламан, деб шунга ҳаракат қиламан, у эса доим мени ташлаб кетади, - дебди ип.

- Сен инсонларга кўмакчи бўлгин, шу дўстлигимизнинг доимий калитидир, деб жавоб берибди Игна.

**АРОҚ БИЛАН СУВ**

- Мен барчадан кучлиман, ҳар қандай инсонни хоҳласам чўчқага, хоҳласам арслонга айлантира оламан. Фақат у мен билан ошно бўлса бўлди, - деб керилди арок.

- Тўғри, - деди сув. - Кўринишимиз бир хил-ку, лекин сени шайтоннинг сийдигидан тайёрланишингни ўзинг билмасанг керак.

**Султонмурод ФАЙЗИЕВ, Тошкент вилояти, Бўка тумани.**

# «TO'RABEK ZIYO» ўқув маркази

**Ҳурматли ва азиз ота-оналар!** Фарзандларингиз келажакда танлаган соҳалари бўйича етук кадр бўлишини истасангиз, биз билан ёшликдан билим чўққиларини мустаҳам эгаллашига замин яратасиз, деган умиддамиз!!!

**"Эй ўқувчи** — бу ҳаётда обрўли, оратор, кучли, енгилмас, иродали, **бой бўлишнинг ягона калити — билимдир.** Уни эгалласанг юқоридагиларга албатта эришасан. Шунинг учун **юракдан ўқи, бўлмаса сарсон бўласан!!!"**

***МАРКАЗ ШИОРИ***

Тошкент шаҳрида яшаб мактаб, коллеж, лицейларда ва боғчаларда ишлаётган тўлиқсиз ўрта маълумотга эга **ўқитувчиларни, тарбиячиларни ТДПУнинг махсус сиртқи факультетига,** поликлиника ва турли шифохоналарда, тиббиёт коллежларда ишлаётган тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлмаган ҳамшираларни **Тошкент тиббиёт академияси қошидаги "Олий тоифали ҳамшира" махсус сиртқи факультетига,** Тошкент шаҳрида ўқиётган 5-6-7-8-9 синф ўқувчиларини ҳамда лицей, коллежларда ўқиётган ўқувчиларни, республика миқёсидаги олий ўқув юртларига тайёргарлик кўраётган **абитуриентларни чуқурлаштирилган дастур асосида** Ўзбекистон Республикасидаги барча олий ўқув юртларига ҳамда, **"Westminster", Garvard, Oksford, Kembrij** ва бошқа чет эл ўқув юртларига **(TOEFL доирасида)** қуйидаги йўналишлар бўйича кириш имтиҳонларига **кафолатли тайёрлайди:**

**Иқтисод йўналиши:** математика, инглиз тили, она тили ва адабиёт; тарих;

**Ҳуқуқшунослик йўналиши:** тарих, инглиз тили, она тили ва адабиёт; математика;

**Тиббиёт йўналиши:** биология, кимё, она тили ва адабиёт; физика

**Техника йўналиши:** математика, физика, она тили ва адабиёт; тарих;

1. **Компьютер саводхонлиги** - компьютер ҳақида бошланғич маълумотлар.
2. **Windows XP** - сиз уни у сизни тушунади.
3. **Microsoft Word** - матнлар билан ишлаш.
4. **Microsoft Excel** - электрон жадваллар билан ишлаш.
5. **Microsoft Power Point** - тақдимотлар тайёрлаш ва намойиш этиш.
6. **Интернет ва E-mail** - бутун дунё бўйлаб саёҳат...
7. **Web-саҳифалар яратиш** - безаклар, расмлар билан ишлаш.
8. **Бошқа тадбиқий программаларда ишлаш** - (сканер, антивирус, архив...)
9. **Ҳар хил дастурларни компьютерда яратиш.**

**Ўқув маркази тил ўрганувчиларни инглиз, рус тили курсларига таклиф қилади.**

**Ўқув марказида уй ҳамшираси, болалар массажи курслари мавжуд.**

**Дарсларни конкурсларда ғолибликни қўлга киритган, тажрибали мутахассислар олиб боради.** Тингловчилар ҳар куни соат **08:00дан 18:00 гача** қабул қилинади.

**Ўқув маркази раҳбарияти дарсларнинг сифатини кафолатлайди.**

**Тингловчилар ўқитувчиларни танлаш имкониятига эга.** Вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Тингловчиларга сертификат берилади.

**Манзил:** Хадра меҳмонхонаси, 6-қават.

**Мўлжал:** Тошкент Давлат цирки биноси ёнида. **Тел: 244-26-09, 244-26-34**

## *Ҳуқуқий маслаҳатхона*

**? - *Фуқаролардан даромад солиғи олинмайдиган ва имтиёзлар кўзда тутилган даромад турларига қайсилар киради?***

- Жисмоний шахслар даромадига солиқ солишда имтиёзларни қўллаш учун "Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома талабларига таянилади. Хусусан:

- шахслар қон топширганлик, донорликнинг бошқа турлари учун оладиган суммалар;

- майиб бўлиш ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши билан боғлиқ ҳолда, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан кўрилган зарарни қоплаш юзасидан олинадиган суммалар;

- жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи асосида ўзларига қарашли бўлган мол-мулкни сотиш натижасида оладиган суммалари;

- бир йил мобайнида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваригача бўлган суммадаги қимматли совғалар қиймати, шунингдек халқаро ҳамда республика танлов ва мусобақаларида олинган соврин буюмлар қийматининг суммаси;

- давлат заёмларининг облигациялари ва лотереялар бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар;

- фуқароларнинг суғурта бўйича оладиган суммалари;

- бир йил мобайнида берилган моддий ёрдам суммалари:

- табиий офатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари;

- Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда унга тўланадиган, энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдоридаги ишдан бўшатиш нафақаси, давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, хайрия ва экологик йўналишларда фаолият олиб борувчи жамғармалар томонидан фуқароларга пул ва нарса-буюм шаклида бериладиган нафақалар ва бошқа ёрдам турлари;

- Барча турдаги алиментлар;

- Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари томонидан ўз талабаларига тўланадиган стипендиялар;

- Давлат пенсиялари ва уларга устамалар;

- Фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигида етиштирган чорва, парранда ва асаларичиликдан олган табиий ва қайта ишланган маҳсулотларини сотишдан келган даромадлари;

- Болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳларига, ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасаларига бориш учун болалар ва ўсмирларга бериладиган йўлланмалар қийматини, шунингдек ўз ходимларининг амбулатория ва стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қийматини тўлиқ ёки қисман компенсациялаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ходимларига нақд тўлаган ёки улар учун тегишли муассасаларга ўтказиб берган маблағларидан даромад солиғи олинмайди.

Аёлларнинг қуйидаги тоифалари даромадларининг Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт бараварига тенг миқдори жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқдан озод этилади:

- қаҳрамон оналар, ўн ва ундан ортиқ фарзанди бор аёллар;

- икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар;

- икки ва ундан ортиқ боласи бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёллар.

**Акмал ҚОСИМОВ,**
**Тошкент шаҳар С. Раҳимов туман давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи.**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ҳафтани кўтаринки кайфият билан бошлайсиз. Ҳамда бир нечта муҳим ишларни бажаришга ҳам улгурасиз.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Кунларингиз бир маромда кечади. Фақат соғлиғингизга эътиборлироқ бўлинг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Ҳар бир ишда меъёрни унутманг. Яқинларингиз билан хушмуомала бўлинг, акс ҳолда пушаймон бўласиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Ҳамкорларингиз фикрига ҳам қулоқ солинг. Бизнесдаги ўзбошимчалик зарар келтиради.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Инсон ўзини бахтли ҳис этиши учун кўп нарса керак эмас. Бунга шу ҳафтада ишонасиз.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Оилангиздаги муаммоларни шошма-шошарлик билан ҳал этманг. Босиқлик билан иш тутишга ҳаракат қилинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Бепарволик ҳамманинг душмани, у сизнинг ишингизга ҳам, кайфиятингизга ҳам таъсир қилиши мумкин.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Ҳафта давомида омадингиз келади. Муҳим режаларингизнинг амалга ошиши кутилмоқда.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Маблағ етишмаслигидан бироз нохушликларни бошдан кечирасиз. Лекин ўзгалардан қарз сўрамаганингиз маъқул.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Сиз ишонган кишилар сизга панд бериши мумкин. Шартнома тузишда ҳушёр бўлинг. Акс ҳолда сиз алданиб қоласиз.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Севгилингиз билан учрашасиз. Аммо, пул масаласида бироз қийинчилик туғилади.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Оила аъзоларингиз билан дам олишга борасиз. Ҳафта сиз учун ниҳоятда кўнгилли ўтади.

## ДУШАНБА 31

### O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
**7.00 «Сарой жавоҳири».**
7.35 «Минг бир ривоят».
7.40 «Дилхуш наволар».
7.55 ТВ анонс.
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 «Олтин мерос».
**8.50 «Юсуф ва Зулайҳо».** В/ф.
9.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Муқаддас қадамжолар».
«Болалар сайёраси»:
9.45 «Болалар дунёси».
10.05 «Пинг ва Понг». М/с.
10.30 «Одами эрсанг...»
10.50 «Ҳаёт манзаралари».
**11.00 «Ахборот».**
11.15 «Минг бир ривоят».
11.20 «Ҳамон ёдимда...»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Олам ва одам» дастури: «Фазодаги Эйнштейн».
13.50 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 Эски альбом.
14.25 «Бурчмуллада баҳор».
**14.30 «Боғ».** Т/с.
15.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Муқаддас қадамжолар».
15.40 «Ватанпарвар».
16.35 «Бир кун».
**17.00 «Ахборот».**
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Наврўз нашидаси». 1-қисм.
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Минг бир ривоят».
**18.10 «Гулхан атрофидагилар».** Т/с.
18.50 «Ҳиммат».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
**20.10 «Аччиқ ёлғон».** Т/с.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 «Парламент вақти».
**21.55 «Сўнгги қиролича».**
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/.
**23.10 «Виждон».** Т/с.

6.55 «Аждодлар садоси».
7.00 «Тунги парвоз».
7.30 «Учрашув». В/ф.
8.00 «Ёшлар майдони».
9.00 «Давр». Ҳафта якуни.
9.30 «Ипак сеҳри».
10.10 «Сен азиз ва муқаддассан, Аёл!»
11.30 «Қалпоқ».
12.00 **«Санников ери».** Б/ф.
13.30 «Сеҳрли қўллар».
14.00 **«Пуаро».** Т/с.
14.50 «Мулки мумтоз».
15.00 «Ёшлар майдони».
16.00 «Давр».
16.10 **«Амир Темур».** Т/с.
16.40 «Келажак овози».
16.50 «Болалар баҳори».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Зулфия издошлари».
17.20 «Ёшлар ва таълим».
17.30 «Футбол-2008».
18.00 «Ёш оила».
18.15 «UzEX хабарлари».
18.20 **«Аёл қалби».** Т/с.
18.55 «Юрт тинчлиги».
19.00 «Давр».
19.30 **«Алия».** Т/с.
20.15 «Ватан меҳри».
20.20 «UzEX хабарлари».
20.30 «Кўклам наволари».
20.50 «Каминанинг оиласи».
21.10 **«Жумонг».** Т/с.
21.55 «Телетуҳфа».
22.00 «Давр».
22.30 «Автопатруль».
22.50 **«Ҳаёт-мамот».** Т/с.
23.35 «Таскин».

### TOSHKENT

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм: «Маугли». 1-қисм.
18.10 «Телекурьер - маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Анонс».
18.50 «Камила». Телесериал.
19.20 «ТВ юрист».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг» /рус/.
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
20.15 «ТВ юрист» /рус/
20.20 «Милагрос». Телесериал. /рус/.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Ўйларим».
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50- 00.35 Кино: «Как отделаться от парня за десять дней».

### SPORT

18.00 «Полвонжон».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
18.55 «Мусиқий тайм».
19.15 «Спортимиз маликалари».
19.30 «Футбол шарҳи».
19.50 «Спортлото».
20.00 Волейбол. Кубок ЕКВ. Мужчины. Финал.
20.40 «МЕНИНГ ЁРИМ». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.55 «Жди меня».
22.50 ЕВРОФУТБОЛ. ИСПАНИЯ ЧЕМПИОНАТИ. «РЕАЛ» - «СЕВИЛЬЯ».

### TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ухшаши йук» 103-серия
08.30 Мировые хиты
09.30 Узбек наволари
10.30 Концерт
12.30 «Герой» худ.фильм
14.25 Узбек наволари
15.00 Baby hits
15.30 Мультфильм
17.00 «Baby Terra Landiya»
17.30 «Кинокурьер»
18.00 Узбек наволари
18.30 Сериал «ЖАССИГА УХШАШИ ЙУК» 104-серия
19.10 Сериал
20.10 Узбек наволари
21.30 Сериал «Жассига ухшаши йук» 104-серия
22.00 Комедия по понедельникам: «МОЛОДОЖЁНЫ» худ.фильм
23.55 Миксер

### 1 ОРТ

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение
8.25 «Малахов +»
9.25 «Контрольная закупка»
10.00 «Убойная сила». Многосерийный фильм
11.00 Новости
11.15 «Модный приговор»
12.20 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Понять. Простить»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.20 «НЛО. Подводные пришельцы»
15.00 «Огонь любви». Многосерийный фильм
15.50 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.20 Жди меня
18.10 «След»
18.55 «Принцесса цирка». Многосерийный фильм
20.00 Время
20.30 «И все-таки я люблю...» Многосерийный фильм
21.25 «Александр Збруев-мечта одинокой женщины»
22.30 Владимир Познер и Иван Ургант в проекте «Одноэтажная Америка»
23.20 Ночные новости
23.40 «Гении и злодеи»
0.20 Комедия «Телеведущий»
1.45 Триллер «Анатомия-2 «
2.00 Время
2.30 Триллер «Анатомия-2». Продолжение

### РТР

4.00 «Доброе утро!».
7.55 Людмила Чурсина в фильме «Два билета на дневной сеанс». 1966г.
9.45 ВЕСТИ.
10.00 ВЕСТИ.
10.25 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.45 «Частный детектив».
11.40 Любовь Соколова в экранизации одноименного романа Вениамина Каверина «Два капитана».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.40 «Мачеха».
14.35 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры».
16.00 ВЕСТИ.
16.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16.50 ВЕСТИ.
17.05 «Женщина без прошлого». Телесериал.
18.00 «Родные люди». Телесериал.
19.00 ВЕСТИ.
19.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 Анна Ковальчук в детективном телесериале «Тайны следствия».
21.55 «Владимир Винокур. Своим голосом...»
22.50 «ВЕСТИ+».
23.10 «Честный детектив».
23.40 «Синемания».
0.05 «Дорожный патруль».
0.25 Х/ф «Большая красная единица» (США). 1980г.
2.35 «Комната смеха».
3.20 «ХА».
3.45 ВЕСТИ.

## СЕШАНБА 1

### O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
**7.00 «Сарой жавоҳири».** Т/с.
7.35 «Минг бир ривоят».
7.40 «Дилхуш наволар».
7.55 ТВ анонс.
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Олтин мерос».
**8.40 «Юсуф ва Зулайҳо».** В/ф.
9.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Муқаддас қадамжолар».
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Ўйла, Изла, Топ!»
10.20 «КулдиРинг».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 ТВ анонс.
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ шифокор».
**11.15 «Аччиқ ёлғон».** Т/с.
11.50 «Ахборот». /инглиз/
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
**13.00 «Сўнгги қиролича».** Т/с.
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 Эски альбом.
**14.25 «Гулхан атрофидагилар».** Т/с.
15.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Муқаддас қадамжолар».
15.30 «Заковат».
16.30 ТВ анонс.
16.35 «ИИВ хабарлари».
16.50 «Наврўз наволари».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Наврўз нашидаси». 2-қисм.
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Ҳудудлар ҳаёти».
**18.10 «Гулхан атрофидагилар».** Т/с.
18.50 ТВ анонс.
18.55 «Рангин дунё».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
**20.10 «Аччиқ ёлғон».**
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 «Қишлоқ ҳаёти».
**21.55 «Сўнгги қиролича».** Т/с.
22.55 ТВ анонс.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/.
**23.10 «Виждон».** Т/с.

6.55 «Аждодлар садоси».
7.00 «Мультипанорама».
7.40 «Каминанинг оиласи».
7.55 «Навоий хазинаси».
8.00 «Ёшлар майдони».
9.00 «Камолот».
9.10 «Нафосат олами».
9.20 **«Алия».** Т/с.
10.00 «Давр».
10.10 «Ёшлар ила саёҳат».
11.00 «Футбол-2008».
11.30 «Сувни асранг!»
11.40 «Қалпоқ».
12.00 **«Жумонг».** Т/с.
12.40 «Каминанинг оиласи».
12.55 «Ватан меҳри».
13.00 «Давр».
13.10 «Ватанпарвар».
14.00 **«Пуаро».** Т/с.
14.50 «Ёшлар йили».
15.00 «Ёшлар майдони».
16.00 «Давр».
16.10 **«Амир Темур».** Т/с.
16.40 «Биз киммиз?»
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Болалар табассуми».
17.15 «Болалар баҳори».
17.20 «Мультипанорама».
18.00 «Мулки мумтоз».
18.20 **«Аёл қалби».** Т/с.
19.00 «Давр».
19.30 **«Алия».** Т/с.
20.15 «Табассум қил!»
20.30 «Кўклам наволари».
20.50 «Каминанинг оиласи».
21.10 **«Жумонг».** Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Автопатруль».
22.50 **«Ҳаёт-мамот».** Т/с.

### TOSHKENT

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм: «Маугли». 2-қисм.
18.10 «Телекурьер- маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Анонс».
18.50 «Камила». Телесериал.
19.20 «ТВ юрист».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Ҳимоя».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
20.15 «ТВ юрист» /рус/.
20.20 «Милагрос». Телесериал. /рус/.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Тошкентда латифа».
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «Моҳир» /рус/.
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50- 00.10 Кино: «Мистер Бин на отдыхе».

### SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.25 «Малахов +».
9.30 «Хабарлар» (ўзб)
9.50 Сериал «Татьянин день».
11.25 «Мониторинг».
11.45 Эркин Кураш.
12.05-12.20 «Спорт – менинг ҳаётим».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мир природы». Д/ф
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 «Мусиқий тайм».
19.15 «Жаҳон спорти юлдузлари».
19.30 Чемпионлар лигаси кундалиги.
19.50 «Joker, Superlotto».
20.00 Волейбол. Лига чемпионов. «Финал четырех».
20.40 «МЕНИНГ ЁРИМ».
21.30 «Хабарлар» (ўзб)
21.55 «Соленый воздух». Х/ф
23.20 Велоспорт. Чемпионат мира на треке.
23.40 Футбол. Европа чемпионлари лигаси. 1/4 финал «РОМА» (ИТАЛИЯ) – «МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД» (АНГЛИЯ)

### TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ухшаши йук» 104-серия
08.30 Узбек наволари
09.30 Сериал
10.30 Мировые хиты
11.30 «Молодожёны» худ.фильм
13.25 Узбек наволари
14.30 «Кинокурьер»
15.00 Baby hits
15.30 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
17.30 Узбек наволари
18.30 Сериал «ЖАССИГА УХШАШИ ЙУК» 105-серия
19.10 Сериал
20.10 Узбек наволари
20.30 «ТУНЛАР МУБОРАК»
21.30 Сериал «Жассига ухшаши йук» 105-серия
22.00 «КЕНГУРУ ДЖЕК» худ.фильм
23.50 Миксер

### 1 ОРТ

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение
8.25 «Малахов +»
9.25 «Контрольная закупка»
10.00 «Убойная сила».
11.00 Новости
11.15 «Модный приговор»
12.20 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Понять. Простить»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.20 «Мой папа-Шаляпин»
15.00 «Огонь любви».
15.50 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.20 «Пусть говорят»
18.05 «След»
18.55 «Принцесса цирка». Многосерийный фильм
20.00 Время
20.30 «И все-таки я люблю...» Многосерийный фильм
21.25 «Предсказатели»
22.30 «Код жизни». Фильм 4-й
23.25 Ночные новости
23.45 Ударная сила. «Небесный «Гладиатор»
0.30 «Доброй ночи»
1.25 Приключенческий фильм «Великий рейд»
2.00 Время
2.30 Приключенческий фильм «Великий рейд». Продолжение

### РТР

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.55 «Загремим под фанфары... Борис Новиков».
8.50 «Опера. Хроники убойного отдела».
9.45 ВЕСТИ.
10.00 ВЕСТИ.
10.25 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.45 «Опера. Хроники убойного отдела».
11.40 ЗОЛОТОЙ ФОНД. Борис Токарев, Юрий Богатырев, Ирина Печерникова, Николай Гриценко, Зинаида Кириенко и Любовь Соколова в экранизации одноименного романа Вениамина Каверина «Два капитана».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.40 Дмитрий Мартынов в телесериале «Мачеха».
14.35 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры».
16.00 ВЕСТИ.
16.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16.50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
17.05 «Женщина без прошлого». Телесериал.
18.00 «Родные люди». Телесериал.
19.00 ВЕСТИ.
19.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 РУССКАЯ СЕРИЯ. ПРЕМЬЕРА. Анна Ковальчук в детективном телесериале «Тайны следствия».
21.55 ПРЕМЬЕРА. «Человек с бульвара Капуцинов». 20 лет спустя».
22.50 «ВЕСТИ+».
23.10 Эдвард Бернс и Джон Легуизамо в комедии «Друзья жениха» (США). 2006г.
0.55 «Дорожный патруль».
1.15 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. Билл Пэкстон в телесериале «Большая любовь» (США). 2006г.
2.10 «Загремим под фанфары... Борис Новиков».
2.55 «Комната смеха».
3.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

## ЧОРШАНБА 2

### O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
**7.00 «Сарой жавоҳири».** Т/с.
7.35 «Минг бир ривоят».
7.40 «Дилхуш наволар».
7.55 ТВ анонс.
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Олтин мерос».
**8.40 «Юсуф ва Зулайҳо».** В/ф.
9.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Муқаддас қадамжолар».
«Болалар сайёраси»:
9.35 «Бизнинг кутубхона».
9.45 «Пинг ва Понг». М/с.
10.05 ТВ анонс.
10.10 «Ҳудудлар ҳаёти».
10.25 «ИИВ хабарлари».
10.40 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ шифокор».
**11.15 «Аччиқ ёлғон».** Т/с.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қуёш шаҳри».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
**13.00 «Сўнгги қиролича».** Т/с.
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 Эски альбом.
**14.25 «Гулхан атрофидагилар».** Т/с.
15.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Муқаддас қадамжолар».
15.30 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
16.15 ТВ анонс.
16.20 «Дунё манзаралари».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Олтин мерос».
**17.20 2008 йил – Ёшлар йили.** «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Минг бир ривоят».
**18.10 «Гулхан атрофидагилар».** Т/с.
18.50 «Наврўз саёҳати». 1-қисм.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот». /рус/.
**20.10 «Аччиқ ёлғон».** Т/с.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 «Одамлардан бири».
**21.55 «Сўнгги қиролича».** Т/с.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/.
**23.10 «Виждон».** Т/с.

6.55 «Аждодлар садоси».
7.00 «Мультипанорама».
7.40 «Каминанинг оиласи».
7.55 «Бобур хазинаси».
8.00 «Ёшлар майдони».
9.00 «Ёшлар йили».
9.10 «Нафосат олами».
9.20 **«Алия».** Т/с.
10.00 «Давр».
10.10 «Ёшлар ила саёҳат».
11.00 «Автопатруль».
11.20 «Чемпион».
11.40 «Мулки мумтоз».
12.00 **«Жумонг».** Т/с.
12.40 «Каминанинг оиласи».
12.55 «Сувни асранг!»
13.00 «Давр».
13.10 «Ёшлар ва таълим».
13.20 «Journal».
13.40 «KINOMANIYA».
14.00 **«Пуаро».** Т/с.
14.50 «Ёшлар симфонияси».
15.00 «Ёшлар майдони».
16.00 «Давр».
16.10 **«Амир Темур».** Т/с.
16.40 «Биз киммиз?»
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Болалар табассуми».
17.15 «Болалар баҳори».
17.20 «Мультипанорама».
18.00 «Мулки мумтоз».
18.15 «О, ёшлигим!»
18.20 **«Аёл қалби».** Т/с.
18.55 «Юрт тинчлиги».
19.00 «Давр».
19.30 **«Алия».** Т/с.
20.10 «Яшаш сирлари».
20.30 «Кўклам наволари».
20.50 «Каминанинг оиласи».
21.10 **«Жумонг».** Т/с.
21.55 «Телетуҳфа».
22.00 «Давр».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.50 **«Ҳаёт-мамот».** Т/с.

### TOSHKENT

7 30 Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.00 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Пойтахт»
9.45 «Репортаж».
10.00 «Мусика SMS».
10.40 «Милагрос».
11.20 «Моҳир» /рус/.
11.45 – 13.05 Кино: «Мистер Бин на отдыхе».
***
17.55 Мультфильм
18.10 «Телекурьер- маркет».
18.50 «Камила». Телесериал.
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Мисли гавҳар».
20.20 «Милагрос».
20.50 «Интервью» /рус/.
21.00 «Жозиба».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.50- 00.35 Кино: «Иллюзионист».

### SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.25 «Малахов +».
9.50 Сериал «Татьянин день».
11.25 Шотакан каратэ. Ўзбекистон чемпионати.
11.55-12.25 Қўл жанги.
18.00 «Халқ ўйинлари».
18.20 «Тет-а-тет».
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Шарқ яккакурашлари».
19.30 «Ёшлик шижоати».
19.50 «Спортлото».
20.00 «Формула – 1».
20.40 «МЕНИНГ ЁРИМ».
21.55 «Сицилийский клан». Х/ф
23.40 Футбол. Европа чемпионлари лигаси. 1/4 финал. «АРСЕНАЛ» (АНГЛИЯ) – «ЛИВЕРПУЛЬ» (АНГЛИЯ) Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.

# ИСТИҚЛОЛ ИЛҲОМЛАРИ



*Ушбу шеърлар Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди тавсияси билан чоп этилмоқда.*

### ЭЛИМ МЕНИНГ

*Нафасларинг бунча сўлим ўлкам менинг,*
*Ҳавасларинг юксак, ойдин, кўркам элим.*
*Истиқболи, баҳорлари гўзал юртим,*
*Она элим, азиз элим, бахтим менинг,*
*Истиқлолга етаклаган тахтим менинг.*

*Жаҳон узра довруғ солди маҳобатинг,*
*Юртлар ичра донг таратди саховатинг.*
*Ҳар соҳада кўкси баланд халқим бор бўл,*
*Она элим, ёруғ йўлим, борим менинг,*
*Илм-фанда зукко, шаҳдам норим менинг.*

*Боболарим залворлари ўктам, буюк,*
*Момоларим эртаклари дилда суюк.*
*Гўзаллиги шоирларни титратган юрт,*
*Шеърияти достон, бахши, сорим менинг,*
*Наволари дилга дармон, зорим менинг.*

*Элинг шодон, дилинг шодон, ўсар имкон,*
*Яшар бунда аҳли мўмин, жаннат-макон.*
*Бошимизда адолатли йўлбошчимиз,*
*Она элим, нону тузим, шоним менинг,*
*Шу тупроқда узилгайдир жоним менинг.*

**Марям АҲМЕДОВА,**
**Қашқадарё вилояти.**

### ЎЗБЕГИМ ЎҒЛОНЛАРИ

*Чақнаб турар кўзлари,*
*Мардонавор сўзлари,*
*Марду майдон ўзлари,*
*Ўзбегим ўғлонлари.*

*Шаҳдам ташлар қадамин,*
*Гулга безар чаманин,*
*Эъзозлайди Ватанин,*
*Ўзбегим ўғлонлари.*

*Меҳнатсевар, мардона,*
*Заковатда ягона,*
*Ҳар бир сўзи дурдона,*
*Ўзбегим ўғлонлари.*

*Кўзга суртиб тупроғин,*
*Чархлаб ақл чироғин,*
*Тобора юксакроққа,*
*Кўтаради байроғин,*
*Ватаним ўғлонлари.*

**Сурайё РАЖАПОВА,**
**Тошкент вилояти, Тошкент тумани.**

### ВАТАНИМ — ИФТИХОРИМ

*Саждагоҳ-каъбамсан Ватаним ўзинг,*
*Фарзандингман онажон, оқлайин тузинг,*
*Ғурур ва фахрла айтар дил сўзим:*
*Ҳам жоним, ҳам таним - Ўзбекистоним,*
*Гуллайвер, яшнайвер - боғу-бўстоним!..*

*Халқпарвар элимни қўллагай худо,*
*Шу буюк диёрга жонимиз фидо,*
*Асрлар қаъридан келадир нидо:*
*Ҳам жоним, ҳам таним - Ўзбекистоним,*
*Гуллайвер, яшнайвер - боғу-бўстоним!..*

*Бағри кенг она юрт мўътабар даргоҳ,*
*Замину-замондан бўлайлик огоҳ.*
*Бунда барча миллат яшар дўст, иноқ,*
*Ҳам жоним, ҳам таним - Ўзбекистоним,*
*Гуллайвер, яшнайвер - боғу-бўстоним!..*

*Бахт берди бизларга нурли истиқлол,*
*Чорлайди бағрига ойдин истиқбол.*
*Камолга етавер кўрмайин завол,*
*Ҳам жоним, ҳам таним - Ўзбекистоним,*
*Гуркираб ўсгувчи боғу-бўстоним.*

**Менглибой МУРОДОВ,**
**Навоий вилояти, Конимех тумани.**

### ВАТАН

*Мен жонимни аяб ўтирмам,*
*Ватанимга бўламан қалқон.*
*Қадимдан биз буюк бир халқмиз,*
*Шундай халқка нима битта жон?!*

*Ватан, сенга беролмасам шон,*
*Халқим, сенга осуда ҳаёт.*
*Гар ғамингда ёнмасам ишон,*
*Бекор умр, беҳуда баёт.*

**Эркинжон ОХУНОВ,**
**Андижон.**

### ВАТАН ЯГОНА

*Қуёш битта, Ватан ягона,*
*Азалдан бор шундай ақида.*
*Кўнглимдаги изҳорим яна*
*Шу ягона Ватан ҳақида.*

*Ватан меҳри қалбларда олов,*
*Маёқ каби порлаб туради.*
*Ватан меҳри йўлларда ялов,*
*Мақсадларга чорлаб туради.*

*Ўтда куймай, сувда оқмаган*
*Аждодларга ворисмиз, ворис.*
*Курашларда ортга боқмаган,*
*Улуғ элмиз, нияти холис.*

*Мустақиллик-тақдир баҳори,*
*Бахтимизга дебочадир.*
*Бунёдкорлик ишқи, хумори*
*Юрт ҳуснига зеб очадир.*

*Меҳнат қилса кекса-ёш бунда,*
*Пайдо бўлур изидан бўстон.*
*Ёзаверсам таърифин, кунда*
*Яратилар ҳар кун бир достон.*

**Гулшода ҚУРБОНОВА,**
**Тошкент шаҳри.**



### ИСТИҚЛОЛ

*Шаҳид ўғлонларинг руҳин шод айлаб,*
*Аждодлардан мерос шонни авайлаб,*
*Ҳар юракка Ватан меҳрини жойлаб,*
*Келганинг рост бўлсин, энди Истиқлол!*
*Онам кўзларида тилсиз ғам эдинг,*
*Отам юрагида боши хам эдинг,*
*Етим кўзларида кетмас нам эдинг,*
*Умринг боқий бўлсин энди Истиқлол!*
*Қорин қайғусида яшаб юрганлар*
*Озодлик сурурин қаердан билсин.*
*Ватан деб қайғурган барча инсонлар,*
*Қалбига чин бахтнинг нашъаси тўлсин,*
*Келганинг рост бўлсин, энди Истиқлол!*
*Яшариш, юксалиш сафоси бўлиб,*
*Озодлик, ободлик навоси бўлиб,*
*Жароҳатли қалблар давоси бўлиб*
*Келганинг рост бўлсин, энди Истиқлол!*

**Венера ИБРОҲИМОВА,**
**Жиззах вилояти.**

### СЕНГА КЎНГИЛ БОЙЛАДИМ

*Юртим, сенга кўнгил бойладим,*
*Севдим, меҳринг дилга жойладим.*
*Жаннатлардан, Боғи-Эрамдан,*
*Аълорок деб сени сайладим.*

*Тоғларингда бир қум, бир зарра,*
*Бўлаолсам шодман, минг карра.*
*Гар сўрасанг жоним ҳам фидо*
*Бўлсин деб аҳд-паймон айладим,*

*Боғларингда булай бир чечак,*
*Эй муқаддас маъво, беланчак.*
*Садоқатли фарзандинг бўлиб,*
*Хизматингга ўзни шайладим.*

*Сендан кечиб кетганлар айтсин,*
*Бир умр йиғлаб ўтганлар айтсин.*
*Демишларки: — «Ватан соғинчи*
*Жондан ўтар, энди найладим».*

**Абдурасул РАҲИМОВ,**
**Сурхондарё вилояти**



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

### ГУМАНИЗМ НИМА?

Италиянинг шимолида бошланиб, кейинчалик бутун Европага кенг тарқалган Уйғониш даврининг энг гуллаган йиллари 1450-1550 йиллар оралиғига тўғри келади. Айнан шу даврда кўплаб буюк санъат, маданият, илм-фан асарлари яратилди, муҳим илмий кашфиётлар қилинди.

Одамларнинг дунёқарашида юз берган ўзгаришлар бунга имконият яратган эди. Илк ўрта асрларда ҳамма нарсани худо бошқариб туради, бандасининг қўлидан эса ҳеч нарса келмайди, деган фикр ҳукмронлик қиларди. Уйғониш даврига келиб эса "Худо "Сендан ҳаракат, мендан баракат", дейди, одамларнинг янгиликлар, ўз турмушларини яхши томонга ўзгартириш, ўзларини ўраб турган атроф-борлиқни ўрганиш борасидаги интилишларини Худо қўллаб-қувватлайди", деган қарашлар биринчи ўринга чиқади. Мана шундай қараш гуманизм деб аталади. Гуманист олимлар бир вақтнинг ўзида ҳам диний илмлар, ҳам фалсафа, ҳам тарих, астрономия, тилшунослик, математика шунингдек табиий фанлар билан шуғулланишган. Шу боис уларни энциклопедист олимлар ҳам деб аташади.

### УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ БЕШИГИ ҚАЕРДА?

XIV асрда ҳозирги Италия ҳудудида кўплаб кичик-кичик шаҳар-давлатлар мавжуд эди. Улар орасида энг йириги ва ҳар жиҳатдан бақувват шимолда жойлашган Флоренция ҳисобланарди. Аҳолиси асосан савдо-сотиқ туфайли бойиб кетган бу шаҳарни Медичилар оиласи бошқарарди. Медичилар жуда бой эди, бутун Европа бўйлаб уларнинг ўнлаб банклари фаолият кўрсатар, улар



одамларга, хатто айрим давлатлар қиролларига ҳам фоиз эвазига қарз беришарди. Бу оиланинг икки вакили Козимо ва Лоренцо ўзларининг рассомлар, ҳайкалтарошлар ва ёзувчиларга ҳомийлик кўрсатишлари билан танилишган эди. Медичилар кўплаб саройлар, қасрлар, кўприклар, черковлар қурилишининг молиявий таъминотини ўз зиммаларига олишиб, Европанинг турли ҳудудларидан энг яхши меъмор, рассом ва ҳайкалтарошларни таклиф этишарди. Ўша даврда Флоренцияда барпо этилган иншоотлар меъморий жиҳатдан қадимги Рим биноларини такрорларди. Жумладан, Флоренция соборининг гумбази Уйғониш даврининг буюк меъморларидан бири Филиппо Брунеллески томонидан яратилган.

### ЛЕОНАРДО ДА ВИНЧИ ҲАҚИДА

Леонардо да Винчи (1452-1519 йилларда яшаган) уйғониш даврининг энг буюк вакилларидан бири бўлган. У ўзининг улкан иқтидори боис рассомлик, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, математика, кимё, муҳандислик соҳаларида катта ютуқларга эришади. У бутун умрини Италиянинг Флоренция ва Милан шаҳарларида ўтказади, ҳамда ўзининг бир қатор расмлари билан тарихда қолган. Айниқса, унинг "Жаконда", "Қоядаги Мадонна", "Сирли оқшомлар" каби асарлари машҳур. Унинг асарлари орасида ўша давр




учун янгилик ҳисобланган, анча кейинги даврларда бошқа олимлар томонидан кашф этилган улкан тўплар(пушкалар), учиш аппаратлари, сув ости кемаларининг чизмалари ҳам кўп учрайди.

### ВАТИКАННИНГ МАШҲУР ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ

Ватикандаги Сикстин капелласи шипига ишланган расмлар Микеланжело Буонарроти ижодининг чўққиси бўлиб, ҳамма даврларнинг рассомчилик полотноларининг энг машҳурларидан бири ҳисобланади. Бу полотнога Рим папаси Юлий II томонидан XVI асрнинг биринчи ярмида буюртма берилган. Микеланжело ўз асарида Инжилнинг машҳур сюжетларини - Оламнинг яратилишидан бошлаб, Қиёмат кунигача бўлган даврни тасвирлайди. Микеланжело нафақат машҳур рассом, балки буюк меъмор ва ҳайкалтарош ҳам эди. У Ватикандаги Авлиё Пётр соборининг гумбазини, Довуд, Мусо пайғамбарларнинг ҳайкалларини яратган.

### КИМ БИРИНЧИ БЎЛИБ ЕР ҚУЁШ АТРОФИДА АЙЛАНИШИНИ АЙТГАН?

Уйғониш даврида барча фанлар орасида айниқса инсон танасининг тузилишини ўрганиш билан шуғулланувчи анатомия фани кўпроқ тараққий этди. Олимларнинг табиат ҳодисаларини ўрганишга, уларнинг сирларини очишга қизиқиш ва интилиш кучайди. Бу эса ўсимликларни тадқиқ этувчи ботаника, ҳайвонот дунёси ҳақидаги зоология, инсон тузилишини ўрганувчи антропология каби янги фанлар пайдо бўлди.

Қуёш тизими ва космик борлиқни ўрганиш борасида ҳам олға силжишлар кузатилди. Ўша пайтларгача Ер сайёраси борлиқнинг марказида туради, бошқа барча сайёралар ва юлдузлар эса унинг атрофида айланиб юради, деган назария мавжуд эди. Аммо 1543 йилда польшалик олим Николай Коперник Ер ва бошқа сайёралар Қуёш атрофида айланади, деган фикр илгари сурилган китобини нашр этади. Астрономия соҳасидаги бу буюк инқилоб астрономия фанидан гелиоцентрик назария номи билан жой олди. У юнонча "helios" - "қуёш" сўзидан олинган. Ўз даврида Коперникнинг назарияси рад этилди, уни черковнинг оламнинг яратилиши ҳақидаги қарашларини инкор этишда айблашди. Фақатгина XVIII асрга келиб, замонавий телескопларнинг илк кўриниши бўлган кузатиш трубаси кашф этилиб, сайёраларнинг Қуёш тизимидаги ҳаракатини кузатиш имконияти пайдо бўлгачгина, Коперникнинг қарашлари ўз исботини топди.



**ДАРМОН тайёрлади.**

Эр-хотинлар тоифаси

# СИРИМНИ СЕНГА АЙТИБ...

Садоқат билан Сурайё битта синфда ўқишди. Тиббиёт институтининг даволаш факультетини бирга тамомлашди. Мана, бир неча йил бўлибдики, оилали бўлиб кетсалар ҳам бир-бирларисиз зерикиб қолаверишди. Сурайё эрта турмуш қурди. Садоқат дугонасидан икки йил кейин узатилди. Улар гарчи бошқа-бошқа поликлиникада ишлай бошлаган бўлсалар ҳам, Садоқатнинг наздида, улар ўртасида бекитиқча гап, хуфиёна юриш-туришлар бўлмасди. Ҳаммасини бир-бирларига оқизмай-томизмай қизиқарли қилиб гапириб ўрни келганда кулишар, жойи келганда жиддий муҳокама қилишар эди. Учрашиб суҳбатлашишга, кўнгилларида йиғилиб қолган гапларини бўшатиб олишга вақтлари бўлмаса, телефонда соатлаб гаплашиб икир-чикирлари, эр кутиш сир-синоатлари хусусида Садоқатдан олдинроқ тажриба орттириб олгани боис Сурайё кўпроқ дугонасига ақл ўргатарди. Баъзида у ҳатто турмуш ўртоғи ҳақида, эр-хотинлик мулоқотлари тўғрисида Садоқатнинг тушунчасини бойитиб ҳам қўярди. Айниқса, гапга тушиб очилиб кетган чоғларида у ёстиқдошининг ўзига қилган хушомадлари борми, ялиниб-ёлворишлари борми-жозибали қилиб гапириб Садоқатнинг юз-кўзини очиб юборар эди...

Сурайё табиатан шод-ҳуррам яшашни, ҳавойи бўлса ҳам айш-ишрат қилиб юришни ёқтирар эди. Шу сабабдан бўлса керак, у тенгқурлари билан ҳам, маҳалладаги катта- кичик аёллар билан ҳам «гап» ўйнаб, ўзини хурсанд қилиб юрар эди. Дарвоқе, у бегона хотин-қизлар билан ҳам, ҳар қанақа эркак зоти билан ҳам тил топишиб кетаверар эди. Бинобарин, унда янгиликлар кўп бўлар эди. Мана у кечроқ бўлса ҳам қизли бўлибдики, қуюлиш ўрнига борган сари шўхлиги ошиб бораяпти.

Шундай кунларнинг бирида Садоқат ундан қизининг ҳеч қаери адасига ўхшамаслигини ҳайратланиб сўраганида у қизариб кетиб одатда фарзандларнинг айримлари онасига, айримлари отасига бутунлай ўхшамай қолишини ва бунга ҳаётда мисоллар талайгина эканини изоҳлаб бермоқчи бўлди. Шунда ундан анча содда ва тажрибаси кам Садоқат ўзининг қизи отасига қуйиб қўйгандек ўхшашлигини гапириб оғзидан бол томган эди, шуни назарда тутиб у ўшанда: “Ким билади, дейсан, аксарият ўғил онасига, қиз отасига ўхшаган бўлади”, дейишади-ку, деб гапни чўзмай қўя қолган эди.

Қалин дўстлар ўртасида, айниқса, ораларидан қил ўтмайдиган дугоналар орасида ҳар қандай сир бора-бора юзага чиқиши, рост. Сурайё билан Садоқат ўртасида ҳам шу вақтгача пинҳон тутиб келинган сир бор экан, куни келганида ахийри очилди... Нима бўлди-ю, бир куни Садоқат Сурайёнинг бир йигит билан машинада чақчақлашиб кетаётганини кўриб қолди. “Ё тавба! - деди у, кўзини тўсиб турган сочини орқасига ташлаб: - Сурайёнинг шўхлигини, ўйин-кулгуни яхши кўришини билар эдим-у, аммо бу хилда бегона эркак билан “борди-келди” қилиб юришини билмас эканман-да”, -деди. Эртасига Садоқатнинг эри ҳали ишдан қайтмаган эди, Сурайё унга қўнғироқ қилиб қолди ва салом-аликдан кейин:

- Садоқат, кечаги машинадаги одамни танидингми? -деб сўраб қолди.

- Танимадим... Нимайди? - деди истамайгина Садоқат, энсаси қотиб.

- Йўқ, ҳеч нарса... Энди, сенга очиғини айтсам, у менинг жазманим. Оғзингдан бировга гуллаб қўясан, деб сенга айтмас эдим. Яхши одам. Топармон эркак...

- Ундай бўлса, нега унга тегиб олмайсан?!

- Унинг хотини бор-ку...

- Сенинг эринг бор, унинг хотини бор, шундайми?!

-Шундай бўлса, нима қипти? Яшаб қолиш керак, дейман-у сенга. Қачон мени тушунадиган бўласан Садоқат?

- Сен йил сари, ой сари ўзгариб бораётган бўлсанг, ўртоқжон, мен қанақа қилиб сени тушунадиган бўлай? Тавба... Сурайё, эшик жиринглаб қолди. Адаси келдилар, шекилли... Майли, кейин гаплашамиз, хайр!

Садоқат бориб эшик очган эди, ростдан ҳам умр йўлдоши экан. Дугонасининг нопоклигини ҳозиргина билиб қолиб афти-ангори ўзгариб кетганиданми ёки хаёлида эри ҳозирги гапдан хабар топгандек бўлганиданми, унга синовчан қарагандай бўлди. Шу туфайли у уни сўраб турадиган эри олдида ўзини гуноҳкор ҳис қилди.

Орадан икки кун ўтгач, иккала дугона кутилмаганда кўчада учрашиб қолишди. Совуққина кўришишди. Шунда Сурайё:

- Энди сен менинг сиримдан озроқ бохабар бўлдинг. Кел, ҳаммасини сенга ўзим айтиб бера қолай: фақат гапимни бўлмай охиригача эшитиб тур. Мен сен билан, балки, Садоқат исминг жисмингга мос тушгани учун дугона тутингандирман. Сен тоза, содда, покиза қиз эдинг. Шундайлигингча қолгансан. Эрим бир куни менга: “Сурайё, сен Садоқат билан бирга бўлсанг, кўнглим хотиржам бўлади. “Садоқатни мен энг тоза, эрига энг вафодор аёллардан деб биламан”-деди. Мен эримга “Тўғри топдингиз. Шунинг учун ҳам мен у билан дўстлашиб келаман-да”,-дедим. Аслида эса сен билан дўст тутинишимга сабаб ўзимнинг ножўя юриш-туришларимни ҳас-пўшлаш учун. Биласан-ку: “Сен менга дўстингнинг кимлигини айтсанг, мен сенга кимлигингни айтаман”, деган нақл бор. Тушунаяпсанми, менинг дўстим сен бўлсанг, демак, мен ҳам пок аёлман.



Албатта, менинг нопоклигимни билиб қолган одам сени ҳам нопок аёл дейди. “Қарғадан ошнанг бўлса, гўнг титишинг муқаррар”, шундай эмасми? Шундай...

Сен қизимни “отасига ҳеч ўхшамас экан”, дегандинг. Гап очилди. Айтиб қўя қолай. Ўша қизимнинг отаси бошқа!!! Жуда бўлмаганда ўзим шундай, деб ўйлайман!

- Бу нима деганинг?!

- Бу деганим, ўша Ҳикоятларникида танишиб қолган жазманимнинг қизи, деганим. Сен мендан нафратланиб бораяпсан... Шундай бўлса ҳам, мен сенга бутунлай ёрила қолай. Кейин нима дейсан, нима қиласан, ўзинг биласан...

Бир куни Ҳикоят ўртоғимнинг “дом”ига борган эдим, унинг қариндоши-сен машинада кўрган йигит келиб қолди. У биз билан ўтирди. Ҳикоят билан бирга савдо-сотиқ қилар экан. Ўртоғим ош дамлаб унинг тушлик қилиб кетишини кутиб ўтирганини айтди. Овқатни сузиб келтирди. Озгина шампан виносидан ичдик. У йигит кўп ичди. Довдираб қолди. Шу пайт телефон жиринглади. Ҳикоят: “Ҳозир етиб бораман”, -деди-да, мендан узр сўраб “тезда қайтаман”, деганча чиқиб кетди. Мен у йигит билан ёлғиз қолдим. Қарасам ёмон йигитга ўхшамайди. Яна ичишдик. Суҳбатлашиб Ҳикоятни кутиб ўтирдик. Бир замон бошимни столга қўйган эдим, негадир ухлаб қолибман. Қанча вақт ўтди, билмадим... Уйғонсам ерда-кўрпача устида ухлаб ётибман. У йигит нарироқда ётибди. Қўрқиб кетдим. Шу дам Ҳикоят келиб қолди. Менга ҳайрон бўлиб қаради. “Нега рангинг ўчиб кетди?”- дея сўради. Мен дарҳол кўзгуга қарадим. Ҳақиқатан ҳам рангимда қон қолмаган экан... Даҳшатга тушдим. “У йигит менинг шампан қадаҳимга ухлатувчи дори солиб ичирган бўлса-я?! Сўнг ухлаб қолганимда менга тегинган бўлса-я?!”-деган хаёллар миямни кемира бошлади... Уйимга кетдим. Бир ой ўтгандан кейин бўйимда бўлганлигига ишондим. Аммо, бу эримдан бўлдими ёки ўша йигит теккан бўлса, ундан бўлдими-билолмай юрдим. Куни билан ўйлаб юрсам, туни билан тўлғаниб мижжа қоқмай чиқадиган бўлдим. У йигит билан эса бошқа учрашмадим. “Бошимни ғалвага қўйган эркак билан учрашаманми?”, деб унинг “учрашайлик” деган таклифларини рад қилиб келдим... Вақти-соати келган эди, туғдим. Айтганингдек, қизимнинг ҳеч қаери эримга ўхшамасди. Аксинча, буғдой рангли ўша йигитга ўхшаб кетарди. Англадимки, бу унинг қизи! Демак, у Ҳикоятларникида ухлаб қолганимда менга тегинган экан. Шу бўлди-ю, мен у йигитдан ўзимни олиб қочмайдиган бўлиб қолдим. Ҳар қалай у қизимнинг отаси бўлиб чиқса-чи? - деган хаёлга борардим-да. Бироқ қизим ҳақида унга чурқ этмасдим. У ҳам сўрамади, қизиқмади ҳам. Ўшандан бери ўзини менга яқин олиб хушомад қилиб юради. Айтганларимнинг ҳаммасини бажо келтиради. “Бир гап бўлса керак”, деб ўйлайман, ўйимнинг охирига ета олмайман...

- Сенинг гапларинг меникидан ҳам қизиқ бўлди-ку, Сурайё! Қизинг эрингникими, уникими-аниқламай, бунинг тагига етмай қандай қилиб хотиржам яшаб юрибсан? Бу англашилмовчилик кеча-кундуз ич-этингни еб қўймаяптими? Бир кун келиб, қизинг меники деб даъво қилса, нима деган одам бўласан?! Эринг бундан хабар топиб қолса, сени соғ қўймайди-ку!

- Нима қил, дейсан?

- Экспертизага мурожаат қил!...

- Қандай қилиб, нима деб?

- Ўзинг дўхтирсан-ку... Эрингга билдирмасдан унинг тўкилган соч толасидан экспертизага топширасан. Қизингнинг сочидан ҳам олиб борасан. У ерда мутахассислар эринг билан қизингнинг ДНК (дезоксирибонуклеин кислота)сини аниқлаб улардан генетик (ирсий) ахборот бир хилми-йўқми айтиб берадилар. Қизинг билан эрингнинг ДНКси бир хил бўлиб чиқса, буни биласан ва хотиржам тортасан. Бошқа-бошқа бўлиб чиқса, бунинг тагига етасан ва шунга қараб бундан буён нима қилиш кераклигини ҳал қиласан. Ўз умр йўлдошингнинг фарзандини бировники деб шубҳа қилиб, бунинг устига у йигит билан оғиз-бурун ўпишиб юришинг ғирт аҳмоқгарчилик-ку! Нима, эрта-индин у билан янада яқинлашиб кетиб очиқ-ойдин “бузуқ”лар кўчасига кириб кетмоқчимисан?! Шуни билиб қўй, уни мен яна “жазманим” деганингни эшитмай! Яхши сўзга ҳам фаришталар омин, дейди, ёмон сўзга ҳам. Сен мени “покиза аёл”, деган экансан, мен покиза аёл билан дугоначилик қиламан. Сен нопок жувон бўлиб чиқсанг, мен сен билан ўша заҳотиёқ алоқамни узаман ва эримга бунинг сабабини айтиб бераман. Эрим эрингни яхши танийди-я! Қара... Тушундингми? Тушунган бўлсанг эртагаёқ экспертиза идорасига бор!...

Иккала дўхтир бир-бирларини тушундилар... шу гапдан уч кун ўтди, деганда Сурайё экспертизага соч толаларини олиб бориб топширди. Экспертиза мутахассислари бунинг учун суд қарори керак деган эдилар, Сурайё бунинг ҳам чорасини топди... Чунки у фарзанд масаласи нақадар жиддий эканини тушуниб етган эди. Яна шунинг учун ҳам тушуниб етган эдики, у нопок кўча оғзида турган эди. Бунинг устига, унинг назарида қизининг отаси, ҳа, ҳақиқий отаси (!) билан бирга бўлиш-бўлмаслик муаммоси ўртада кўндаланг турарди. Яъни қизи ўз эридан бўлган бўлса, унга содиқ қолиб “жазмани”дан тамоман воз кечиб юбориши, “жазмани”дан бўлган бўлса, эридан фарзанд кўрмаслигига ишонч ҳосил қилиб, энди нима қилиш кераклигини ҳал қилиши лозим эди...

Орадан бир ҳафта ўтди. Экспертизадан хабар бўлмади... Ўн кун ўтди ҳамки жим-жит. Охири юрагини ҳовучлаб ўша идора эшигини қоқди. Ниҳоят, у ўзи учун соч толаларини топширган экспертга рўпара келиб қолди. Сурайё ўзини танитди. У эслади-да, кабинетига бошлаб кетди.

Препаратлар қайд қилиб бориладиган журналини очди. Уни варақлай-варақлай ниҳоят топди. Топди-да Сурайёга ўқиб эшиттирди: “Ҳар иккала соч толасининг ДНКси бир хил!” Сурайё севиниб кетди! Ўзи тан олишича, умри бино бўлибди-ки, ҳеч қачон бунчалик севинмаган эди! Яшасин эрим, умр йўлдошим, қизимнинг падари бузруквори!-дея ҳансираб кўчага отилди ва тўғри уйига бориб, никоҳдоши уйида экан, унинг бўйнига осилди. Уни ўпди, қучоқлади, қаттиқ бағрига босди ва эрининг ҳайронлигига қарамай уни ётоқхонага тортқилаб кетди...

(Давоми 16-бетда)

# ҚАЛБ КЎЗИ КЎР БЎЛМАСИН



Бу ҳикояни мен анча илгари, бир тасодифий ҳамроҳимдан эшитгандим. Ўшандан бери шууримда ҳазин бир қўшиқ янграйди. Уни сизга ҳам илиндим, азиз биродар. Зеро шоир айтгандек: **“Икки кўз кўр бўлса бўлсин, қалб кўзи кўр бўлмасин”,** деган сўзларнинг маъносини янгитдан чақдим. У ҳикоясини шундай бошлаган эди:

- Хизмат сафаридан қайтаётганимда намозшом пардаси ёйилиб, қуёш аллақачон уфқ ортига яширинган эди. Таассуротларни мушоҳада қилиб, бир ўзим кетиб бораяпман – йўловчи олишга одатланмаганман.

Бироқ катта йўлга чиқаверишдаги муюлишда турган аёлга бепарво ўтиб кетолмадим. У бир қўлини силтаб, бирини кўксига қўйиб шундай илтижоли қарар эдики! Ёнида ўн ёшлар чамасидаги бола ҳам бор. Бемаҳалда нега йўлга чиқдийкин? Ҳа майли, сарсон бўлишмасин деган хаёлда машинани четга олиб, тўхтатдим. Аёл чаққонлик билан келиб очиқ ойнадан мўралади:

- Фарғонага бўлса, опкетинг?!

Бош силташим ҳамоно ўғли томон шошиб кетди. Уни етаклаб келиб, орқа ўриндиққа жойлаштираётганидагина эътибор бердим: бола кўзи ожизлиги учун ҳам онасининг куюнишлари унга дахлсиздек, ҳаракатсиз турган экан...

Аёлнинг такрор раҳмат айтиб алқашларидан ўнғайсизланиб, мавзуни бошқа ёққа бурдим:

- Мунча бемаҳалда узоқ йўлга чиқмасангиз?

- Ноилождан-да, ука, - гап бошлади аёл. – Мана шу кенжатойим икки қиздан кейин топган ёлғиз ўғлим. Дадалари ўтиб кетишган. Ўксимасин деб, Фарғонадек жойдан шу ёққа опкелиб махсус мактабга берганман. Болагинам ўқимаса бўлмайди, мусиқага қизиқади-да. Торни бир яхши чаладиган бўлиб қолди, шукр. Фақат, йўли сал қийнаяпти. Мактабларида интизом қаттиқ экан, шанба кунларигина олтидан кейин рухсат беришади. Шундаям эртаси қайтиш шарти билан.

- Ҳар ҳафта қатнайсизми?- қизиқсиниб сўрадим.

- Энди шароитга қараб. Опалари соғиниб қолишади, ўзим ҳам чидамайман.

Беихтиёр ойнага назар ташладим. Нигоҳим боланинг катта очиқ, ноаниқ манзилга қадалган кўзларига тушдию, алланечук бўлиб кетдим...

- Ука, ўзи неча пулга оборасиз?

Шунча йўл босиб ўтгандан кейин йўлкира суриштириш эсига тушган аёлнинг соддадиллиги кулгимни қистатиб, кўнглимга иниб бораётган эзғин ҳисни бироз чекинтирди. Нимагадир завқим тутиб, тахминан билган нархимнинг икки баробарини айтдим.

- Вой шунақами... - дея бироз тин олгач, аёл хавотирга тушди. – Бор йўғи 500 сўм пулим бор эди-я. Унақа бўлса, Қувада тушиб қолаверамиз...

Жавоб бериб улгурмасимдан шу пайтгача чурқ этмай келаётган болакай гапириб қолди:

- Тоға, опкетаверинг, камига мен қўшиқ айтиб бераман.

Бу сўзларни дона-дона эшитган бўлсам-да, такрор сўрадим.

- Етмаганига қўшиқ айтиб берай, деяпман, - мен томонга яқинроқ сурилиб деди бола. – Йўлда қолиб кетсак, аям қийналади-да. Яхши айтаман кўрасиз.

Катталарча мулоҳазаю гўдакларча беғуборлик билан айтилган таклифдан лол қолдим. Унинг қўшиғини ростданам эшитгим келди.

- Исминг нима ўзи, ҳофиз?

- Бахтиёр.

- Қани, Бахтиёржон, бошла бўлмаса.

У жойлашиброқ ўтириб, енгил томоқ қирди. Аясининг қўллари бошини аста силаб қўйганини кўзгудан кўриб турардим.

- Балки ўчган эдим ёдингдан,

Ширин хаёлингни буздимму?

Ажаб, боланинг овози шу қадар ёқимлимиди ёки унга меҳрим жўшгани боис шундай туюляптимикин? Майин, ширали хониш кўнгил боғимнинг энг кичик майсасигача тебратиб юборди.

- Лайло, Лайло сенинг ёнингда,

Бир зум кўрмоқчийдим ўзимни...

Машина елиб борар, бироқ назаримда бутун олам Бахтиёрнинг қўшиғига қулоқ тутгандек, сукутда эди. Унинг овози наинки вужудимга, балки шууримга сингиб борарди гўё. “Укажон, ҳазиллашувдим, менга пулинг кеpакмас, қўшиғингни ширин овозинг учун эшитяпман”. Бу сўзлар бўғзимга тиқилиб турар, аммо айтишга журъатим етмасди. Қўшиқ тугади ҳамки, сеҳридан қутулолмадим. Мен унга бисотимдаги бор яхши сўзларни айтиб мақташ ўрнига, кўксимда бош кўтарган туйғулар пўртанасини тўхтатиш учун фурсат истаб, яна битта қўшиқ айтишини сўрадим.

Янада маъюсроқ хониш бошланди. Муштдеккина кўр болакай менинг мурувватим учун тўлов берарди... Аясини авайлаб, қўллаш учун ўзи кўрмаган дунёнинг дардларини айтиб куйларди. Мен эса ҳар замон кўзгуга қараб, унинг каттакон ва тубсиз кўзларига тикилишдан тийинолмасдим.

Қандай қилиб манзилга етиб келганимизни билмай қолдим. Ҳамроҳларимни то уйгача ташлаб қўйишга аранг кўндириб, тор кўчалар томон бурилдим. Омонатроқ кўк дарвоза олдида тўхтадик. Бахтиёрнинг машинадан тушишига ўзим ёрдамлашдим. Сўнг қўлини маҳкам қисиб, елкасига қоқиб, дедим:

- Баракалла, сен, албатта, катта санъаткор бўласан. Мен буни шунчаки айтаётганим йўқ, ишон. Мана бунда манзилим, телефоним ёзилган. Агар бирор қийинчиликка дуч келсанг, албатта менга хабар қил. Билгинки, энди сени яхши кўрган тоғанг, қўшиғингни жон деб эшитадиган мухлисинг бор.

Бахтиёрнинг юзлари яшнаб кетди. Мен берган ташрифномани қўллари билан пайпасларкан, худди яхшироқ англамоқчидек нурсиз кўзларига яқинроқ келтирди. Бу орада менга пул тутган онасининг қўлига чўнтагимдан чиққан бор ақчамни тутқаздим.

- Шу менинг зўр бир қўшиқчининг келажаги учун қўшган ҳиссам бўлсин.

Она деганлари шу-да, яна ташаккурлар айтиб, кўзлари намланди. Қуюқ хайрлашар чоғимда Бахтиёрнинг қистови билан қўлимга тўртта нон, беҳи тутқаздилар. Қайтишда эса йўл бўйи зўрға тийиб келган ёшларим юзимни ювди...

# “ЯХШИ” КЕЛИН

Холпошша бу сафар мамнун эди, “Таги паст” келинини ҳайдаб, қуда деса дегулик, беллашса беллашгулик бадавлат кишиларнинг қизини қанддек ўраб олиб келди. Тўғри-да, биттаю-битта ўғлининг умри ўша мирқуруқ келин билан ўтсинмиди! Ана энди аввалгида “униси йўқ, буниси йўқ” деб кулган Ҳурнисолар бир кўриб қўйишсин! Худди шундай бўлди. Холпошша ўзи суйиб-сайлаб олган келиннинг мол-дунёсини хумордан чиққунча кўз-кўзлади. Тўй ҳам, сеп-сидирғаю, дабдабали расм-русумлар бари кўнгилдагидек ўтди. Иш деган мана бундоқ бўпти! Ўзи ўшанда ўғлининг кўнглига қараб бекор қилган экан. “Яхши кўраман” деса олиб бераверибди. Мана, яхши кўрмагани билан ҳам бир чиройли яшаб кетди-ку. Тўғри, ўғлини йўлга солиш осон бўлмади, зўрға ажраштирди. Бунинг устига қуда “уч ойлик гумони билан ҳайдашга ҳаққингиз йўқ” деб роса айюҳаннос солди. Бай-бай-бай, гўёки қилтириқ қизи тилла кокил туғиб берадигандек! Хўш, нима бўлди, ўзига ўхшаган битта қизни туғиб ўтирибди. Яна битта юмшоқ супургини кўпайтириб... Лайло келини бошқача. Гапни чертиб-чертиб гапиради, там-там юради, кунига уч хил кийинади. Йил айланиб қўчқордек ўғил ҳам туғиб берди. Эртага жавоб беришади, набирагинасини би-ир дабдаба билан олиб келсинки, душманлари куйиб ўлсин.

- Дадаси, эртага ўн иккиларга яхши созандалардан айттиринг, -амр қилди эрига Холпошша. – Болани карнай-сурнай билан олиб кирамиз. Кейин ичкаридаям бирор соат чалиб туришсин.

Бу гапни эшитиб, бир умр “хўп бўлади, хотин ака” деб қўл қовуштириб турадиган Садирбойга ҳам забон битди:

- Энди бу қанақа қилиқ, хотин! Қўйсангиз-чи, ким шунақа қиляпти?

- Мен қиламан! – ўшқирди Холпошша. – Ҳали аламдан чиққаним йўқ, бизнинг кимлигимизни билиб қўйишсин. Бир пайтлар кулганларнинг оғзини биратўла тамбалаб қўймасамми!

- Қайтанга гап-сўзга қолмайлик, ортиқча харажат қилганимиз қолиб...

- Хў, Садирбой, мунча лаллаясиз? Шаҳарда ўнтанинг олди, учтанинг биттаси деб ким айтади сизни? Гап тамом – эртага созандалар шу ерда бўлсин!

Хуллас, эрини “жойига қўйиб” қўйди. Ҳашаматли уй бўсағасида айтилган вақтда ҳозиру-нозир бўлган карнайчилар бир эмас, иккита “мерседес” да етиб келган меҳмонларни вадаванг куй чалиб кутиб олишди. Орқадаги машинадан тушган қуда томон ҳам бўш келмай, дарвозадан кираверишга каттакон “мадонна” гиламни тўшаб солди, сарпони аямади. Бир пасда ҳовлига одам тўлди. Қутлагани келганларга виқор билан пешвоз чиққан Холпошшага айниқса “рақиби” Ҳуринисонинг ялтоқланиши ёқиб тушди. “Заб қилган экансиз, қўшни, - деди у пайт пойлаб яқинига келиб. – Тенг тенги билан деганлари шу-да. Келин бўлса шунчалик бўлар”. Холпошшанинг жон-дунёси ҳузурланиб, яйради. “Шунақа, -деди ичида, - тан бермай кўр-чи!” Бу унинг ўз фалсафаси эди. Унингча, ҳаётда тўкин-сочин яшаш, вақти-вақти билан Ҳуринисоларни лол қолдириш, ҳасадини қўзғашдан лаззатлироқ рутба йўқ эди. Дунё ўткинчи, эртага нима бўлишини ёлғиз яратган билишини эса хаёлига келтирмасди...

Ярим тунда, Холпошша ширин чарчоқдан сўнг укпар ёстиққа шўнғиб ухлаётган пайтда ҳовлини аянчли қичқириқ ларзага солди. У бир муддатга ўнгу-туш орасида карахт қотиб ётаркан, ваҳимали овозлар ўғлининг уйи тарафдан келаётганига шубҳа қолмади. Эр-хотин жон ҳолатда отилиб чиқишди. Келинникига кириб борганларида чақалоқнинг юзи кўкариб кетган, деярли нафас олмасди. Қийчув солиб, касалхонага жўнашди. Лекин бола ҳою-ҳавасли ҳовлининг ҳавосидан сўнгги насибасини олиб бўлганди...

- Нима бўлди ўзи, нима?!

Холпошша йўл бўйи бу саволни такрор – такрор берди. Келин йиғидан ортмади, лекин ўғли охири “ёрилди”:

- Дамиқиб қопти, билмапмиз. Лаънати сарполарингизни деб!

... Холпошша қуда томону, бир-иккита кўнгил яқинлари олиб келган сарполарга ўзининг атаганларини қўшиб қўшниларга обдан мақтангач, келиннинг уйига олиб кириб, даста бўйича токчага қўйгани эсида. Ҳаммаси целофан қоғозга ўралган, омонат қўйилган эдию, тунда боланинг ғилдиракли кровати айнан шу токча қошига қўйилишини қаердан билибди! Бефаросат келиннинг ишидир-да. Нобоп тахланган уюмнинг ярми сирғалиб, уйқудаги чақалоқнинг устига тушган... Кеча карнай-сурнай садолари жаранглаган хонадондан субҳи-содиқда аламли фарёд келиши бутун қишлоқни қайғуга солди. Биринчи бўлиб ён қўшни Ҳуринисо муносабат билдирди:

- Юки бор келинни ҳайдаб, дилини оғритган. Буниси бехосият чиқди. Кечаги дабдабаси эса ортиқча бўлди, Худога ёқмади...

**Гулчеҳра АСРОНОВА**




# ЭРКАКЛАР ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ 23 САБАБ



### 1. ТОНГНИ КЕСКИН ҲАРАКАТЛАРСИЗ ҚАРШИ ОЛИНГ

Кўп, бунинг устига ярим тунгача ишлайдиганларнинг эрталаб уйқудан уйғониши қийин бўлади. Уйқуга тўймаган эркакнинг кун давомида инжиқ ва жаҳлдор бўлиб юриши тадқиқотлар натижасида исботланган. Соатнинг жиринглашидан сакраб турсангиз, бирдан бошингиз айланиб, кўз олдингиз қоронғилашиши ва қоп-қора тангачалар сузиб юргандек ҳолат кузатилиши мумкин. Тиббиёт тилида у ортостатик гипертония деб аталади, яъни инсон горизонтал ҳолатдан (тўшакда ётган жойидан) кескин ҳаракат билан тик туриши қон босимининг ўзгаришига сабаб бўлади. Бу нохушликнинг олдини олиш учун эса мияда қон айланишини яхшилаш лозим. Бунинг учун тўшакдан туришдан олдин ётган ҳолатда бир неча марта яхшилаб керишиш ва тиззаларни кўкракка букиб машқ қилиш керак.

### 2. ИЧДАН ИСИНИШ ФОЙДАЛИ

Эрталаблари иссиқ душ ва қайноқ чой ёки қаҳва жуда фойдалидир. Ваннага оёқларни чалиштириб ўтиринг ва душнинг кучли илиқ оқимини кураклар ўртасига йўналтириб 3-4 дақиқа тутиб туринг. Аммо эрталаблари ваннани сувга тўлдириб ичига тушиб ётиш айримлар ўйлагандек фойдали эмас(тўғрироғи, бу усулни дам олиш кунлари қўллаган маъқул). Чунки бундай ванна тинчлантирувчи ва бўшаштирувчи таъсирга эга бўлиб, ундан кейин ишга боргингиз келмай қолиши мумкин.

### 3. НОНУШТАНИ КАНДА ҚИЛМАНГ!

Эрталабки нонушта куннинг биринчи ярмида кучни сақлаб туриш ва фаол бўлиш учун ёрдам беради. Нонушта дастурхонида енгил ҳазм бўладиган оқсиллар ва углеводлар: творог, йогурт, асал, ёнғоқ, сут қўшилган турли ёрмалар бўлгани маъқул.

### 4. ЧАРЧОҚҚА ҚАРШИ ВИТАМИНЛАР

Кайфиятингизни кўтариш ниятида бўлсангиз, эрталабдан банан еб устидан бир пиёлани тўлдириб кўк чой ичиб юборинг. Нонуштани эса бир дона аскорбинка таблеткаси билан якунлашга одатланган маъқул.

### 5. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Эрталабдан спорт рекордлари ўрнатишга тиришишнинг асло ҳожати йўқ. Фитнес клубга тушдан кейин, тахминан соат 16 лар атрофида борган маъқул, югуриш машқлари учун эса кечқурун – уйқудан бирор соат олдинги вақт қулай. Эрталаблари эса аэробик услубдаги - қонни кислород билан тўйинтиришга хизмат қилувчи машқларни бажариш кифоя. Хусусан, йога, цигун ва нафас олиш машқлари шулар сирасига киради.

### 6. ҚОРИН КЎЯ БОШЛАДИНГИЗМИ?

Куни билан бир жойда ўтириб ишлайсиз, компьютер ёнидан нари кетмайсиз, ундан туриб эса машина рулига ўтирасиз – кунларингиз шу тарзда ўтаяптими? Агар бошқа ташвишланадиган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, қорин кўя бошлаганингизга асосий сабаб гиподинамия, яъни кам ҳаракатлилик экан. Бу аҳволдан қутулишнинг йўли бор: ҳар куни куннинг ўрталарига бориб 20 дақиқали гимнастика машқларига албатта вақт ажратинг. Бунда қорин мускулларини мустаҳкамловчи, оёқлар ва тос атрофи учун мўлжалланган машқларга урғу бериш лозим. Овқатланишда эса “3+1” принципи қўл келади: ҳар сафар овқатланганда таомлар тенг миқдордаги оқсиллар, ёғлар ва углеводлардан иборат бўлиши, улардан сўнг эса витаминлар истеъмол қилиш лозим. Тўлиша бошлаганингиздан сўнг тез-тез чанқайдиган бўлиб қолсангиз, тери билан боғлиқ муаммолар ҳам пайдо бўлса, қондаги қанд ва холестерин миқдорини текширтириб, шунга қараб тегишли чораларни кўриш зарур.

### 7. ТЕЗ-ТЕЗ БОШ ОҒРИСА

Кечқурунга бориб энса ва бўйин оғрийдиган бўлса, бундай бош оғриғига асаблар таранглашуви сабабдир. Бўйин томир ва мушаклари қотиб қолмаслиги учун кунига 4-5 марта қуйидаги оддий машқларни бажариб туриш керак:

а) бошни беш мартадан икки ёнбошга, олдинга ва орқага эгиш;

б) бўйинни кўйлак ёқаси бўйлаб енгил уқалаш.

### 8. НАФАСИНГИЗ ҚИСАЯПТИМИ?

Лифт ишламагани учун зинапоядан икки-уч қаватга пиёда кўтарилганингиз боис нафасингиз қисиб, харсиллаб қолдингизми? Эҳтимол, бу ҳам айнан ўша гиподинамиянинг оқибати бўлиши мумкин. Демак, сиз овқатланиш меъёрингизни тартибга солиб, кўпроқ ҳаракатда бўлишга интилишингиз лозим.

### 9. ҲОЖАТГА ОДАТДАГИДАН КЎПРОҚ ЧИҚАСИЗМИ?

Демак, уролог шифокор қабулига ёзилишингизга тўғри келади. Чунки сизда эркакларда учрайдиган простатит ёки цистит касалликлари бошланаётган бўлиши мумкин. Яллиғланиш бор-йўқлигини аниқлаш учун керакли таҳлилларни топширинг.

### 10. ЎНГ БИҚИНИНГИЗ САНЧИБ ҚЎЯЯПТИМИ?

Бу жигарда муаммо бор, дегани. Тан олинг, сиз у бечорани роса қийнаб юборган бўлсангиз керак. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, аёлларда асосан сурункали панкреатит, эркакларда эса кўпроқ жигарнинг ёғ босиши билан боғлиқ дистрофия учрар экан. Парҳез сақлаш билан бирга жигар тўқималарини тикловчи эссенциале, гентос, овесол сингари дориларни ичиб туришингизга тўғри келади.

### 11. ҚЎЛЛАРИНГИЗ ҚАЛТИРАЙДИГАН БЎЛИБ ҚОЛСА

Бу ҳол (агар сиз спиртли ичимликларга ружу қўймаган бўлсангиз, албатта) асабий зўриқиш, ёки кашандалик оқибатида қон томирларида юз берган ўзгаришлар сабабли рўй берган бўлиши мумкин. Невролог шифокорга учрашсангиз, у қўллар қалтирашининг асл сабабини аниқлаб беради.

### 12. МАШИНА БОШҚАРГАНДА БЕЛ ВА ОЁҚЛАР ЧАРЧАСА

Светафорлардаги тиқилинчда узоқроқ тўхтаб қолганингизда қуйидагича машқларни бажаринг: олдин елкаларингизни имкон қадар орқага қилиб, бошингизни секингина орқага ташланг ва эгилинг. Сўнг елкаларни олдинга қилиб, бошни секингина кўкракка туширинг(машқни 2-3 марта бажаринг). Кичик тос ва оёқларда қон айланиши яхшиланиши учун машина рулида бажариладиган энг яхши машқ қуйидагича: бел, сон ва думбалар мушакларини олдинига қаттиқ сиқиш, сўнгра бўшаштириш(машқни 10-15 марта бажариш лозим).

### 13. ЖИНСИЙ АЛОҚА ХОҲИШИ СЎНИБ БОРАЯПТИМИ?

Мутахассислар бунга кўпроқ асабийлашиш сабаб бўлишини таъкидлашади. Чунки 50 ёшгача бўлган эркакларнинг 80 фоизида жинсий хоҳишнинг сусайиши руҳий-ҳиссий ҳолат билан боғлиқ бўлади. Урологга учрашиб, простата бези яллиғланмаганини текшириб кўриш лозим.

### 14. ТИЙИЛИШ ПРОСТАТА БЕЗИ УЧУН ХАВФЛИ!

Маълумотларнинг кўрсатишича, ойига атиги 2 марта жинсий алоқада бўлиб турадиган эркакларда турғун простатит касаллиги ҳафтасига 2-3 марта жинсий алоқани канда қилмайдиган эркакларга нисбатан 3 марта кўп учрар экан. Жинсий алоқадан бундай тийилишда простата бези шираси туриб қолади, простатит қўзғовчилар эса аксинча фаоллашиб кетади.

### 15. ЖИНСИЙ АЛОҚА ЮРАККА ҚУВВАТ БЕРАДИ!

Ҳафтасига уч марта ва ундан ортиқ жинсий алоқада бўлиб турадиган 50 ёш атрофидаги эркакларда инфаркт ва инсульт эҳтимоли икки мартага камаяркан.

### 16. ВА ДИАБЕТДАН МУҲОФАЗА ҚИЛАДИ

Жинсий зўриқишда (бошқача айтганда, жинсий алоқадан мажбурий тийилишда) танада инсулин ишлаб чиқарилиши кескин сусаяди. Жинсий алоқадан кейин эса эркакларда барча безлар, жумладан, ошқозон ости безларининг ҳам ҳаётий фаоллиги ошади. Инсулин ишлаб чиқарилиши кўпайиб, углевод алмашинуви меъёрлашади. Иккинчи даражали (типдаги) диабетдан бундан яхши муҳофаза топиш мушкул, бизнингча!

### 17. ЖУФТ БЎЛИБ ЯШАШНИНГ ФОЙДАСИ

Танада эркаклар гормони тестостероннинг кўпайиб кетиши моддалар алмашинуви жараёнини одатдагидан анча тезлаштиради, бу эса ўз навбатида ҳаётий циклнинг тез кечишига сабаб бўлади. Мунтазам равишда соғлом жинсий алоқада бўлиб туриш эса ортиқча тестостерондан халос этади ва эркаклар гормонининг зарари шунга тескари равишда камаяди. Ҳайвонларда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, урғочиси билан бирга яшайдиган нарларининг умри ёлғизларига нисбатан 25 фоизга ортиқроқ бўлар экан.

### 18. ПОМИДОРДА ГАП КЎП

Танада жинсий гормонлар ишлаб чиқарилишини меъёрлаштирувчилар сирасига барча денгиз маҳсулотлари(улар таркибида рух кўп бўлади), помидор ва булғор қалампири калия кўплиги учун, селдерей, ёнғоқлар ва сули эса таркибида юқори миқдорда селен кимёвий моддаси учраши боис киради.

### 19. СОЧ СИЙРАКЛАША БОШЛАСА

Аксарият ҳолларда соч тўкилиши наслий ҳолат бўлиб, гормонлар ўзгариши оқибатида келиб чиқади. Мабодо, қариндошларингиздан барчасининг сочи қалин ва меъёрида бўлса, сизда руҳий (асабий) алопеция (соч тўкилиши) кузатилаётган бўлади. Дарвоқе, тадқиқотлардан маълум бўлишича, ҳар тўрт эркакнинг бири айнан асабийлашиш туфайли сочларидан “айрилар” экан.

### 20. ПИЁЗНИНГ ФОЙДАСИ

Аксарият ҳолларда эркакларда соч А ва Е витаминлари етишмовчилиги боис тўкилади. Бундай ҳолда сизга қичитқи ўт ва пиёз ёрдамга келади. Икки ҳафтада бир марта имкон қадар дам олиш кунини муолажа учун ажратинг. Икки бош пиёзни қирғичдан ўтказиб бўтқа тайёрлайсиз. Уни бошга суртиб, шошилмасдан уқалайсиз. Сўнгра бошни юмшоқ сочиқ билан ўраб 20 дақиқа ушлаб туринг ва илиқ сувда чайиб ташланг.

### 21. ЭРКАКЛАРГА ПАРДОЗ КЕРАКМИ?

Дерматокосметологларнинг фикрича, 30 ёшдан ошган эркаклар албатта юз териси ва қовоқлар учун юмшатувчи ҳамда озиқлантирувчи воситалардан фойдаланиб туришлари лозим.

### 22. ЭРКАКЛАРНИНГ ТЕРИСИ ҚАЛИН

Эркаклар териси аёлларникига нисбатан тахминан икки марта қалинроқ бўлади. Бу ўринда гормонлар – андрогенлар ҳам катта аҳамият касб этади. Улар туфайли эркакларда ёғ безларининг фаоллиги юқори бўлиши кузатилади. Шу боис эркакларнинг пардоз воситаларида асосий эътибор антисептикларга (яраларнинг йиринглаши ва газак олишига қарши қўлланиладиган дори воситалари), дезинфекция қилувчи воситалар ва яраларни битирувчи қўшимчаларга қаратилиши лозим.

### 23. МУШАКЛАР УЧУН ОМИЛ

Эркакларга умумий тонусни ошириш ва ташқи қиёфа учун гўзаллик салонларида миостимуляция муолажаларини олиш ҳам фойда беради. Бунда микротоклар таъсири остида турли гуруҳдаги мушаклар сиқилади ва чиниқади. Мутахассислар мана шундай битта муолажанинг самараси спорт залда уч марта машқ бажариш билан тенг келишини қайд этишади. Аммо бу муолажани юрагида муаммоси борлар эҳтиёт бўлиб, шифокор билан маслаҳатлашиб олишлари шарт.

**ДАРМОН тайёрлади.**




## ТАНАГА ҚУВВАТ БЕРАДИ...

Қишнинг иликузилди дамлари ўтиб, баҳор бошлангач, кўпинча ўзимни беҳол, қувватсиз сезардим. Бошим айлангандек бўларди.

Бир танишимнинг маслаҳатига кўра танага қувват берадиган чой ва ичимликлар тайёрлашни ўрганиб олдим. Буларни тайёрлаш жуда осон ва фойдаси ҳам катта экан.

➔ **Малинали чой**. Малинада фойдали С витамини кўп бўлганлиги учун касалликдан турган беморнинг қувватини тез тиклайди. Бу ажойиб меванинг таркибидаги В витамини эса киши кайфиятини яхшилаб, зўриқишни ҳам йўқотади. Малинали чойни тайёрлаш учун 4 чой қошиқ қуритилган малина мевалари устига 2 стакан қайноқ сув қуйилиб, 2-3 соат ўраб, дамлаб, кунига 2-3 маҳал сув ўрнига ичилади.

➔ **Лимонли ичимлик**. Япон олимларининг таъкидлашича лимон таркибида тана тонуси ва иш қобилиятини оширадиган модда мавжуд экан. Лимонли ичимлик осон тайёрланади. Бир пиёла илиқ сув устига 2 дона лимоннинг шарбати сиқилади. Сўнг таъбга қараб шакар қўшиб, бироз совутилса, ичимлик тайёр.

➔ Тана тонусини оширадиган яна бир табиий восита ёнғоқ ва асалдан тайёрланади. Ёнғоқ мағизини туйиб, тенг миқдорда асал қўшилади. Асалли аралашма кунига 2 маҳал, овқатдан кейин ейилади.

**В. Аҳмедова,**
**Сурхондарё вилояти.**

## СОЧ УЧУН ҚОРА НОН...

Сочларим ёғланиб, қазғоқланиб кетавергани учун уларни ҳар куни ювишимга тўғри келарди. Бир куни бу ҳақда дугонамга айтгандим у менга қора нондан ниқоб қилсам фойда беришини айтди. Чиндан ҳам бу менга катта ёрдам берди. Сочларим майин ва жилоланадиган бўлди.

Бунинг учун бир буханка қора нонни тўғраб, устига қайноқ сув қуйиб, эрталабгача сақланади. Эрталаб ивиган нонни эзиб, сочларга сурилади. 10 минутдан кейин соч ювилади. Сочлари ёғланадиган аёллар бу усулни қўллашлари мумкин.

**Ф. Салимова,**
**Чирчиқ шаҳри.**

## БУЙРАГИНГИЗ ОҒРИСА...



Кўп йиллардан буён сурункали пиелонефритдан азобланаман. Илгари касалим тез-тез хуруж қилиб турарди. Қудамнинг тавсиясига кўра бир неча хил даволаш усулларидан фойдалана бошладим. Бу менга катта ёрдам берди. Худога шукр, ўша муолажаларни қўллаганимдан сўнг буйрагим безовта қилмай қўйди. Буйрак хасталиги бор газетхонларимизга бу усуллар зарур бўлиб қолиши мумкин.

➔ Қуритилиб, туйилган олма қоқисидан 1 ош қошиқ қўшиб тайёрланган қайноқ сувдан кунига 3 маҳал 1 стакандан ичаман;

➔ Эрталаб оч қоринга 1 қадаҳ турп шарбатидан истеъмол қиламан.

➔ Янги узилган петрушканинг барглари, банди ва илдизларидан тайёрланган шарбат ичишга одатланганман. Бироқ петрушка шарбатининг ўзини ичиш мумкин эмас, у асабга таъсир қилиши мумкин. бу шарбатни 30-50 мл.дан ортиқ ичиб бўлмайди. Сельдер, сабзи ёки салат шарбатига қўшиб ичган маъқул.

**З. ҒОФУРОВА,**
**Андижон вилояти.**

## СЎГАЛИНГИЗ БОРМИ?



Товонимга чиққан сўгал юрган пайтимда оғриб, халал берарди. Китобдан ўқиган бир усулни қўллаб, товонимдаги сўгалимдан фориғ бўлдим. Оёқларимни ичимлик содаси ва совун кўпиртирилган иссиқ сувда буғлаб, юмшаб қолган шох қаватини аста қириб ташладим. Сўнг сочиқ билан қуригунча артиб, озгина хом гўштни лейкопластир билан ёпиштириб, бир неча кун юрдим. Бу вақтда боғланган жойга нам тегизмасликка ҳаракат қилдим.

Боғламани ечгандан кейин яна сода ва совун солинган иссиқ сувда буғладим. Шунда юмшаб қолган сўгал соғ теридан енгил кўчиб чиқди. Менинг товонимдаги сўгал кичик бўлгани учун бир марта муолажа қилиш кифоя қилди. Мабода сўгалингиз каттароқ бўлса оғрийди, шу боис муолажани яна бир марта такрорайсиз.

Сўгални йўқотишнинг яна бир усули шундай. Бир дона хом тухумни чақиб, ичидагисини бирорта идишга тўкинг. Пўстига ёпишган оқини эса дарҳол сўгалга суринг. Бу усул ҳам ёрдам беради.

**Н. Умматова,**
**Фарғона вилояти.**

## КАРАМ БИЛАН...

Ҳар биримиз умримиз давомида ҳеч бўлмаса бир марта қўлимизни жароҳатлаб олишимиз турган гап. Мен ҳам шошилиб таом тайёрлаётиб кўпинча қўлимни кесиб олардим. Бир куни қўшнимиз билан гаплашиб туриб, таом тайёрлаётгандим, тўсатдан қўлимни кесиб олдим. Йод олиб сурмоқчи бўлдим. Шунда қўшнимиз музлаткичда турган карамнинг баргини олиб жароҳатимга босди. Устидан бинт билан қаттиқ қилиб боғлаб қўйди. 3-4 соатдан сўнг қуруқшаб қолган карам баргини олиб, янгисини қўйдим. Эрталабгача баргларни уч-тўрт марта алмаштирдим. Бир-икки кундан сўнг жароҳатим бутунлай тузалиб, изи ҳам билинмай кетди.

**К. Йўлдошева,**
**Асака шаҳри.**

## ТЎЙИБ УХЛАМАСАНГИЗ...

Мен кўп йиллар давомида сменали ишда ишладим. Бу соғлиғимга зарарлигини кўп йиллардан кейин, шифокор ҳузурига юрак хасталиги билан борганимда билиб қолдим. Чунки бир кун тўйиб ухлаб, эртасига уйқу бузилса юракка таъсир қилар экан. Шифокор менга кўп нарсани тушунтирди. Мен эса буни мухлислар эътиборига ҳавола қилмоқчиман. Маълум бўлишича энг фойдали уйқу 7 соатни ташкил қилар экан. Икки йил давомида ўн мингдан ортиқ одамлар билан тажриба олиб борган олимлар шу қарорга келишибди. Тажриба натижаларига кўра, уйқунинг сурункали бузилиши юрак-томир хасталиклари билан вафот этиш хавфини 2 бараварга оширар экан.

Шу боис сменали ишдан қайтгандан сўнг, албатта тўйиб ухлаш зарур. Эҳтимол бу маслаҳатим сменали ишда ишлайдиганлар учун асқотиб қолар.

**У. Умарова,**
**Гулистон шаҳри.**

## АСАЛДАН ФОЙДАЛИСИ ЙЎҚ!



Дала ҳовлимизда турмуш ўртоғим ари асрагани учун уйимиздан сира асал узилмайди. Асалдан нафақат лаззатли ширинлик, балки оила-аъзоларим учун дори-дармон сифатида ҳам фойдаланаман. Мен асал билан даволаниш ҳақидаги ўз усулларимни газетхонларга тавсия этмоқчиман.

➔ **Катарактада:** асал билан дистилланган сувни 1:3 миқдорида аралаштирасиз. Оғриган кўзларга кунига 1 маҳал 2 томчидан томизилади. Агар қовоғингиз қизариб қичий бошласа хавотир олманг. Кўзингиз бу дорига ўрганмаганлиги учун шундай бўлади. Бир-икки кун танаффус қилиб сўнг яна муолажани давом эттиринг.

➔ **Заҳарланганда:** овқатдан заҳарланганда (агар у унчалик оғир бўлмаса) укроп билан асал дамламасидан ичилса ёрдам беради. Укропнинг янгиси бўлмаса қуритилгани ҳам бўлаверади. Бир ош қошиқ янчилган барги, банди ёки 1 чой қошиқ туйилган уруғи устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, паст оловда қайнатиб олгач, 10-15 минут совутилади. Сузиб олиб 1 ош қошиқ асал қўшиб ичилади.

➔ **Қабзиятда:** 1 ош қошиқ асални 1 стакан қайнатиб совутилган сувда эритасиз. Эрталаб, оч қоринга оз-оздан бўшаштирувчи сифатида кунига 3 маҳал овқатдан олдин истеъмол қиласиз. Ёки асални олма шарбатида эритса ҳам бўлади. Қон босими ошганда эса кунига 3-4 маҳал, 0,5 стакандан асал билан аралаштириб ичасиз.

**Ш. Эгамбердиева,**
**Бўстонлиқ тумани.**

## ҚОН БОСИМИНИ ПАСАЙТИРАДИ...

Ёшим 68 да. Ёшлигимдан қон босимим безовта қилиб келади. Турли касалхоналарда ётганимда қон босимини пасайтирадиган кўплаб халқона воситалар ҳақида эшитгандим. Ўзим фойдаланадиган ушбу муолажа усуллар билан газетхонларни таништирмоқчиман:

➔ Кунига 3 маҳал (эрталаб оч қоринга, тушликдан бир соат олдин, кечки овқатдан кейин) узум шарбатидан ичаман. Аввал 1 стакандан, кейин эса буни 2 стакангача ича бошлайман;

➔ Кунига 3 маҳал ярим ош қошиқдан қирғичдан чиқарилган ёнғоқни шакарга аралаштириб енг;

➔ 2 стакан қайнатилган совуқ сувга ачамбити (пастушей сумка) гиёҳидан 3 ош қошиғини солиб, 8 соат ўраб қўйинг. Сўнг кунига 3-4 маҳал, 1-2 ош қошиқдан истеъмол қилинг.

➔ Бир нечта саримсоқпиёз бўлагини 100 грамм ароққа солиб, устини беркитиб қўйинг. Кунига 2-3 маҳал, 10 томчидан, овқатдан ярим соат олдин ичинг.

**Л. Исаева.**
**Қашқадарё вилояти.**

## КЎЗГА НАРСА ТУШСА...



Ҳар йили дала ҳовлимизга борганимизда боғдаги ишларни қилаётиб кўзимизга нарса тушади. Ёки шох-шабба тилиб кетади. Шаҳардан олисда яшаганимиз учун кўз касалликлари шифохонасига тез етиб келишимизнинг ҳам иложи йўқ. Мен газетадан шундай ҳолатларда касалхонага етиб келишдан олдин қандай ёрдам бериш мумкинлиги ҳақида ўқиб қолдим. Ҳозир эса шу усулларни қўллаяпман.

➔ Кўз жароҳатланганда ҳар ким ўзича даволаниши мумкин эмас ҳаттоки, кўзга биронта хас тиқилиб қолган тақдирда ҳам. Акс ҳолда кўзнинг нозик шиллиқ қаватини жароҳатлаб олишингиз ёки бирорта юқумли касаллик келиб чиқишига сабаб бўлишингиз ҳеч гап эмас.

➔ Кўзга тушган нарсани қуруқ, думалоқланган пахта бўлаги ёки тоза рўмолча билан чиқаринг. Бу вақтда пастки қовоқ пастга, юқориги қовоқ эса юқорига тортилади. Букланган рўмолча билан кўздаги нарсани чиқариб олгач илиқ янги дамланган чой билан ювилади. Сўнг 1-2 томчи альбуцид томизилади. Агар уй шароитида кўздаги нарсани чиқаришнинг иложи бўлмаса дарҳол кўз шифокорига олиб бориш керак бўлади.

➔ Агар кўзингиз ости моматалоқ бўлиб қолган бўлса эътиборсиз бўлманг. Жароҳат устига дарҳол совуқ компресс қилинг.

➔ Кутилмаганда кўзингизга кимёвий воситалар, марганцовка, йод ёки соч лаки сачраб кетса оқиб турган кран остида ювинг.

➔ Шунингдек, кўзингизга оид бошқа муаммолар пайдо бўлса, кўзни тоза бинт билан боғлаб, дарҳол яқинроқдаги кўз шифохонасига мурожаат қилинг.

**Д. Икромова,**
**Самарқанд шаҳри.**

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.**

